Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 10-iyul, chorshanba ✱ № 29 (833) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Fitch Raiting's" халқаро рейтинг агентлиги ҳамкорлигида Президентимизнинг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорининг ижросига бағишланган халқаро амалий конференция бўлиб ўтди.

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Америка Қўшма Штатларининг Питтсбург шаҳрида жойлашган Америка Атроф-муҳитни ўрганиш уюшмасининг анъанавий конференцияси доирасида Орол денгизининг экологик ҳалокати ва Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали фойдаланишига бағишланган махсус сессия ва фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 июль куни "Жиззах" махсус индустриал зонаси - Хитой компаниялари учун улкан сармоявий имкониятлар майдони мавзуидаги форум очилди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Сабрдаги саодат, меҳнатдаги фароғат

Халқимизнинг энг буюк фазилатларидан бири – борига шукр, кўпига умид қилиб яшаш. Сабрни – саодат, меҳнатни – фароғат, деб билиш. Эл-юртимиздаги бугунги қут-барака, тинчлик-барқарорлик ва юксалишнинг асл илдизи ҳам шунда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилаётган кўплаб учрашувлар, маданий-маърифий тадбирларда халқимизга, айниқса, ёшларимизга ана шу ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ англатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2 »

ЭЛ СОҒЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



⇨ 3-бет

ИККИ ЮЗ ЁШЛИ ОЛАБУҒА

⇨ 5-бет

ЎЗБЕК «ПАРИЗОД»И ХИТОЙДА

⇨ 7-бет

Қарор ва ижро

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, спорт билан шуғулланиши ва мароқли дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартда қабул қилинган "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



Барча болалар соғломлаштириш оромгоҳларида олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари билан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган суҳбатлар, ижодий учрашувлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Ёз–2013" режасига биноан шаҳар ташқарисидаги оромгоҳлар ҳамда мактаблар ҳузуридаги мавсумий оромгоҳларда болалар иқтидорини аниқлашга ёрдам берадиган турли заковат ўйинлари, танловлар ўтказилмоқда.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Автомобилчи" оромгоҳида ҳам шундай ишлар амалга оширилаётир. Бу ерда бир сменада қарийб 450 нафар ўғил-қиз дам олмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар туман бўлимлари, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Ўзбекистон тарихи давлат музейи вакиллари оромгоҳда болалар учун катта байрам дастури намойиш этди ва уларга совғалар улашди.

Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Ўғил-қизлар Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондининг оромгоҳда намойиш этилган экспозициялари билан танишиб, миниатюра санъати бўйича маҳорат сабоқларида, маданий мулоқот маърузаларида иштирок этди. Тадбирда Ватанимиз мустақиллиги, эркинлиги ва фаровонлиги, тинч ва осуда ҳаётимиз, миллий қадриятларимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлар янгради.

Болалар меҳмонларга теннис ва мерганлик, эпчиллик, қатъият ва зийраклик бўйича беллашувлар, "Мен ҳам чемпион бўламан", "Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз", "Миллий анъаналар – бизнинг бойлигимиз" танловларида ўз истеъдодини намойиш этди.

Бундай тадбирлар давомида ўсиб келаётган ёш авлод мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган улкан муваффақиятларнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқур англамоқда. Яқин вақт ичида бундай тадбирлар сўлим гўшаларда жойлашган бошқа болалар дам олиш масканлари ва шаҳар мактаблари ҳузуридаги оромгоҳларда ҳам ташкил этилади. Ёзги таътилнинг мароқли ва мазмунли ўтиши болаларни соғломлаштириш, уларда шахсий фазилатларни шакллантириш, янги ўқув йилида фанларни янада яхши ўзлаштиришга кўмаклашади.

И.ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири

ЮРТИМНИНГ ДОНИ

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Мустаҳкамдир метин қўрғони.
Тинч кунларнинг қадрига етар
Азиз юртим бободеҳқони.

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Топталмагай ғурур ва шони.
Даркор бўлмас ўзга юртларнинг
Дон ортилган миннат карвони.

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Халқи бўлмас гадой, ултони.
Ўз халқини нонга зор этмас,
Улуғ юртнинг улуғ султони.

Қай бир юртнинг мўл бўлса дони,
Бут бўлгайдир номус-иймони.
Яраклагай кўксида мангу -
Озодликнинг олий нишони.

Шукр, мўлдир юртимнинг дони,
Нонга тўлди хур дастурхони,
Қуёшдай кенг бағрини очиб
Меҳмон қила олар дунёни.

О, буғдойранг, жафокаш халқим,
Чеки йўқдир меҳригиёнгни.
Қалбинг мисли бир қуёш айлаб
Яшнатгайсан Еру самони!

Зикрилла НЕЪМАТ

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Байрам нафақат шоду хуррамлик, балки халқимиз истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлга яна бир бор теран назар ташлаш, эришган юксак муваффақиятларимизни ўзига хос сарҳисоб қилиш, ўтган кунлардан зарур хулосалар чиқариб, истиқболдаги ишларни белгилаб олиш учун яхши имконият ҳамдир. Бу эришган ютуқларимизнинг салмоғи, аҳамияти ва моҳиятини чуқур англаб етишга, бугунги дориломон кунлардан шукроналик ҳиссини туйиш, эртанги кунимизга ишончимизни янада юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, озодлик, мустақиллик, бугунги фаровон, тинч-осуда ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бугунги озод ва обод ҳаётимиз Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилаётган туб ўзгариш ва ҳаётбахш ислоҳотларнинг, халқимизнинг эзгу мақсад йўлидаги ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатларининг амалий натижаларидир.

Буни истиқлол йилларида мамлакатимизнинг йўл, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, янги йўл ва кўприклар қуриш, йўл инфратузилмасини халқаро андозалар ва замон талаблари даражасида ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ва изчил ишлар бераётган юксак самаралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юртимиз азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос робита вазифасини ўтаб келган. Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди орқали ўтган қадимий Буюк ипак йўли орқали турли давлатлар ўртасида савдо ва маданий алоқалар амалга оширилган.

Шу боис Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқаро ва миллий автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўлларини, йўллар бўйидаги инфратузилма объектлари тармоғини такомиллаштириш иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Чунки давлатимизнинг жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиши бевосита йўл тизими фаолиятининг нечоғли самарали йўлга қўйилганига ҳам боғлиқ.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, мамлакатимизда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми автомобиль йўллари улушига тўғри келмоқда. Хусусан, автомобиль йўллари орқали юкларнинг қарийб 85 фоизи, йўловчиларнинг 95 фоиздан ортиғи ташилмоқда. Бу автомобиль йўллари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишидан ёрқин далолатдир. Шу боис мамлакатимизда аҳолини қулай, хавфсиз ва рентабелли йўл-транспорт алоқаси билан таъминлайдиган транспорт-коммуникация тармоғини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда бу борадаги аҳвол жуда аянчли эди. Бир мисол: Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғлайдиган йўл йўқ эди. Бошқача айтганда, ўз уйимизга қўшнининг ҳовлиси – бошқа мамлакат орқали бож тўлаб ўтар эдик.

2000 йили, мустақиллик байрами арафасида Қамчиқ довони орқали тоннель қазилиб, юртимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган замонавий автомобиль йўлининг ишга туширилиши нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги улкан воқеа бўлди. «Ислом Каримов Буюк ипак йўлини тиклади», «Ўзбекистон Тинч океанига йўл очди», «Қамчиқ довонида амалга оширилган ишлар кўлами ва ҳажми ҳар қандай кишини лол қолдиради»...

Булар – Қамчиқ ва Резак довонларидаги тоннель ишга туширилиши муносабати билан ўша кунлари хорижий нашрларда чоп этилган мақолаларнинг сарлавҳалари.



ЕТТИТОМДАН ЎТСАНГИЗ...

...Ўтган якшанба куни Қаршидан Тошкентга қайтаётиб, Еттитомда машинамизга бензин қуйдик. Еттитом – Самарқанд-Қарши, Чироқчи-Кўкдала йўналишидаги автомобиль йўлларининг чорраҳасида жойлашган серқатнов жой.

Бугун Еттитомни таниш қийин. 20-25 йил илгари ҳувиллаб ётган биёбонда мўъжазгина шаҳарча қад ростлаган. Бир томони – кўмкўк боғ, яна бир томони – олтиндай товланиб турган буғдойзор. Пайкалларда тарвузқовун, сабзавот пишиб ётибди. Батартиб қад ростлаган уйлар, мактаб, савдо дўконлари, ҳаммом, тиббиёт пункти, дорихона, кафе, меҳмонхона, чойхона, бассейн, тўйхона, бозор, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёқилғи қуйиш, газ тўлдириш шохобчалари... Санайверсангиз адоғи йўқ. Ҳатто замонавий асфальт заводигача бор!

Чорраҳа атрофи тўла машина – автобуслар, юк ташувчи баҳайбат автомобиллару енгил машиналар. Биров соясалқинда дам олаётир, яна кимдир бирров тўхтаб, «оёғининг чигилини ёзаётир». Уларнинг орасида ажнабийлар ҳам кўзга ташланади.

Қувонарлиси, бугун бу ерда тўхтаган йўловчию ҳайдовчига юзлаб турдаги хизматлар таклиф этилади. Истаса, замонавий кафеда овқатланиб, соя-салқин меҳмонхонада дам олсин, зарурат бўлса, автосервисда машинасини таъмирлатсин, истаса, теннису футбол ўйнаб, ҳордиқ чиқарсин...

Бундан 20-25 йил илгари ҳам Еттитом серқатнов жой бўлган – ушбу чорраҳадан ҳар куни юзлаб автотранспорт, йўловчию ҳайдовчи ўтган. Лекин, улар – ўша пайтлар бу ердан ўтганлар бугунгидек замонавий шаҳарчани эмас, чўпонларнинг томига гувала босилган бирибиридан кўримсиз ва пастқам етти уйию битта қудуқдан бошқа нарсани кўрмаган.

"У замонлар чўпонлар Еттитомда яшаб, қўй боққандан кўра, Сибирга сургун бўлишни афзал биларди, – дейди «Кўкдала» қишлоқ фуқаролар йиғининг котиби Боймамат Пардаев. – Бу гапимда ҳеч бир лоф йўқ. Сабаби, илгари бу ерда на бир кўкарган дарахт, на бир оқарган иморат, на бир мактаб, на бир шифохона бўларди. Ҳатто оддий чироқ ҳам йўқ эди. Самарқанддан чиққан ҳайдовчи ёки йўловчи Қаршига етгунича чанқаса, омади келса, Еттитомдаги қудуқдан эшакнинг белига арқон боғлаб, трактор баллонининг камерасидан ясалган қовғода тортиб олинган сувдан бир хўплам ичиши мумкин эди...»

Илгари ушбу йўлнинг икки томонидаги инфратузилма объектларини (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса) санасангиз, ўнтадан ошмасди. Шундай серқатнов йўл бўйида бирор ошхонани, айниқса, тунда, учратиш – мўъжиза, машинага бензин қуядиган, бузилса, тузатадиган шохобчани-ку гапирмасаям бўлади.

Унда-бунда учрайдиган ва пештоқига «Столовая» деб ёзилган ошхонага кирсангиз, дилингиз хуфтон бўлиши табиий эди: қорайиб кетган алюминий косага солинган ва хамири қалин чучварани алюминий қошиқда атрофингизда ғужғон ўйнаётган пашшаларни «ҳайдаб-ҳайдаб» истеъмол қилар эдингиз.

Ошхона ҳам майли, Тошкентдан Қаршигача бўлган қарийб беш юз километрлик серқатнов йўл бўйида бирорта ҳам, эътибор беринг, бирорта ҳам санитария-гигиена хонаси бўлмаган. Юзлаб километр масофани босиб ўтинг, лекин йўл бўйида на бир меҳмонхона, на бир тиббиёт пункти, на бир ёқилғи қуядиган шохобча ва на бир автосервисга дуч келардингиз.

Қишлоқдан шаҳарга шахсий машинасида бормоқчи бўлган киши уч кун аввал канистирини тарақ-туруқ қилиб, тайёргарлигини бошларди: совхознинг гаражидан ялиниб-ёлвориб бензин оларди. Давлатнинг ёқилғисини ноқонуний сотадиган «мойхоначи» эса, табиийки, бир куни қўлга тушар ва қамалиб кетарди.

Ҳамма нарса тақчил, барча мулк давлатники бўлган шўролар салтанатида инсоннинг энг оддий эҳтиёжларини таъминлашга ҳам назарписанд қилинмас эди.

ИНСОН – МУКАРРАМ ЗОТ

Самарқанд – Қарши автомагистралининг иккинчи тоифага ўтказилиб, замонавий талаблар даражасида тўла реконструкция қилинишида Еттитомдаги асфальт заводи маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланилди. Илгари Қашқадарё вилоятида бор-йўғи биттагина асфальт заводи бўлганини билган кишига қишлоқда, бунинг устига, Чироқчининг чўлида ишлаб турган бу корхона ҳақиқий мўъжиза бўлиб туюлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу каби юзлаб заводлар ишга туширилди. Зеро, минглаб километр янги йўллар, юзлаб кўприклар, йўл ўтказгичлар, минглаб замонавий инфратузилма объектлари барпо этилди.

Бундай хайрли ишларда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган "2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 21 декабрда имзоланган "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарорлари муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон миллий автомагистралини янада ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, 2011-2015 йилларга мўлжалланган мақсадли дастурга мувофиқ, халқаро нормалар ва замонавий талаблар асосида умумий узунлиги 2306 километрлик янги магистрал автомобиль йўллари қурилиши олиб борилмоқда. Мазкур магистрал автомобиль йўллари таркибида 1910 погонметр кўприклар ва йўл ўтказгичлар, етти жойда транспорт чорраҳалари барпо этилади.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш асосида автомобиль йўллари бўйида йўловчи ва ҳайдовчилар, автотранспортга хизмат кўрсатадиган замонавий талаблар даражасидаги инфратузилма объектларини барпо этишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси маълумотларига қараганда, ўтган йиллар мобайнида биргина Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб 240 хизмат кўрсатиш шохобчаси ва меҳмонхона қурилган. 2011-2015 йилларда яна икки юздан ортиқ ана шундай объект – 37 кемпинг ва мотель, 95 автомобилларга ёқилғи ва газ қуйиш, 78 техник ва тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси, 24 барча қулайликларга эга қисқа муддатли дам олиш майдончаси қурилади. Бу яна минглаб янги иш ўринларини очиш, йўллар бўйида хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини янада ошириш имконини беради.

Бугун мамлакатимиздаги автомобиль йўлларида ҳайдовчию йўловчи дам олиш, овқатланиш, машинасини тузатиш, уловига ёқилғи қуйиш борасида сира ташвиш чекмайди.

Зеро, бундай замонавий қулайликлар мамлакатимизнинг катта-кичик барча йўллари бўйлаб яратилган ва яратилмоқда. Қаршидан пойтахтимизгача бўлган қарийб беш юз километрлик йўлнинг бир томонида, эътибор беринг: бир томонида, автотранспорт, йўловчию ҳайдовчиларга кечаю кундуз хизмат кўрсатаётган ана шундай инфратузилма иншоотларини атайлаб санадик: икки юз элликдан ошди!..

Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ифодаларидандир. Бугун мамлакатимиздаги барча йўллар бўйида аҳолига юзлаб турдаги замонавий хизматларни таклиф қилаётган инфратузилма объектларининг деярли барчаси айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

Бу ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъватнинг амалдаги юксак самараларидандир!

Инсон ҳуқуқлари олий қадрият ва унинг манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсади, энг устувор йўналиши сифатида белгиланган мамлакатдагина ана шундай улкан ютуқлар қўлга киритилиши мумкин. Бунга Ўзбекистонимиз яққол мисолдир.

Халқимиз эришаётган бундай улкан ютуқларнинг қадрига етиш, янги-янги марралар сари интилиш, мухтасар айтганда, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Қулман ОЧИЛОВ
(ЎзА)

ННТлар фаолиятидан

ҒОЛИБЛАРГА ГРАНТЛАР БЕРИЛДИ

Дунё тажрибасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тутган ўрни кун сайин ошиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган ННТларнинг ҳам жамият ривожига қўшаётган ҳиссалари салмоқли. Бугунга келиб уларнинг сони 6500 тани ташкил этаётгани юртимизда ННТларга яратилган имконият ва рағбатлантиришнинг натижаси деб қабул қилиш тўғри бўлур эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловларда иштирок этаётган ННТлар сони ҳам сезиларли даражада ошди. 2009 йилда танловларда 264 та ННТлар иштирок этган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 981 тани ташкил қилди. 2008-2009 йилларда 1 та лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун 5-10 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган эди. 2011-2012 йилларда давлат бюджетидан худди шу лойиҳаларни молиялаштиришга 15 миллион сўм миқдорида грант маблағлари берилаяпти. Агар 2008 йилда барча лойиҳаларга 379,4 миллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 3,2 миллиард сўмга етди.

Уларни қўллаб-қувватлаш ва ўз фаолиятлари бўйича зарур ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида тузилган Жамоат фонди бундан беш йил олдин ташкил этилган эди. Мазкур фонд ўтган йиллар давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ННТларнинг жамиятимиз ҳаётида амалга оширмоқчи бўлган энг сара лойиҳаларини молиялаштириб келади. Бундан ташқари, ҳар йили фонд ва парламент комиссияси билан биргаликда турли ўқув-тренинг тадбирларини ўтказиб келаётир.

Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган семинарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги ННТлар раҳбарлари қатнашдилар. Икки кун мобайнида олиб борилган ўқув-семинарда фонд томонидан берилган маблағдан мақсадли фойдаланиш бўйича турли тавсиялар, кўрсатмалар аниқ мисоллар орқали ўқув жараёнларида кўрсатиб ўтилди.

— Мазкур ўқув-семинарни ташкил этишдан мақсад — фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ижтимоий аҳамиятли давлат дастурларининг бажарилишида ННТларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат, – дейди фонд директори Абдужалил Тўраев. — Шунингдек, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, грант маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарларининг кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ва парламент комиссияси аъзолари томонидан иш услубларини такомиллаштириш, бухгалтерия ҳужжатларини қонунда белгиланган нормалар асосида тайёрлаш бўйича тавсиялар берилди.

Маҳорат дарслари сўнггида «Обод турмуш йили» давлат дастурини амалга оширишда ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳолининг турли қатламларига ижтимоий кўмак кўрсатишга йўналтирилган 60 та ННТга давлат грантлари топширилди.

— Жорий йилда Самарқандда "Шарқ тароналари" анъанавий фестивали бўлиб ўтади. Ҳозир ушбу анжуманга катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди марказ директори Шавкат Раҳимов.

— Бизнинг "Шарқ дурдоналари" маданий-маърифий марказимиз мазкур санага бағишлаб "Шарқ наволари" деб номланган китобни инглиз, рус ва ўзбек тилларида чоп этишни режалаштирган. Мазкур ғоямизни Фонд қўллаб-қувватлаб, бизга 15 миллион сўмлик грант маблағи ажратди. Ҳисоб рақамимизга маблағ тушиши билан тайёрланган китобни ноширларга топширамиз.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда барча соҳада фаолият кўрсатаётган ННТлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётгани билан аҳамиятлидир.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

2013 йил – Обод турмуш йили

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, экспертлар, фаолияти ёшларга оид жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси А.Каримов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлом ва мустақил фикрга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш масаласига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда фаолият юритаётган олти юз элликка яқин ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилоти соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кўмаги билан 2007 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар йўналишида бир қатор жамоат ташкилотлари фаолият бошлаган эди. Ҳозир улар томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий, иқтисодий билимини юксалтириш, маҳалла, турар-жойлар ободлигини таъминлаш, миллий ҳунармандликни ривожлантириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишга оид қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

– Ташкилотимизнинг вазифаси ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи баланд ёшлар билан ишлашдан иборат, – дейди Сирдарё вилоятидаги «Ҳилол» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Дилфуза Рейимбоева. – Ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, уларни касбий қайта тайёрлаш, ишга жойлашишида кўмаклашиш, ҳуқуқий, иқтисодий билимини ошириш, банклардан кредит олишда ёрдамлашишга доир ўқув курслари, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этмоқдамиз.

Давра суҳбатида ёшлар йўналишидаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш, уларнинг давлат бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЭЛ СОҒЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ана шу эзгу мақсадга қаратилган

Кўзмунчоқдай боламни суйиб эркалашимни, нохос инграб қўйса ҳам маҳалламиздаги оилавий поликлиникага қўнғироқ қилиб, малакали шифокорни чақиришим, унинг маслаҳатларидан фойдаланишимни кузата туриб, саксонни қоралаб қолган момомнинг кўзлари ёшланади. Аввалига бунинг сабабини тушунмайман. Секин кўнглига қўл соламан:

— Эҳ, болам-а, сенинг бугунги турмушингни кўриб, ҳам ҳавасим, ҳам хўрлигим келаяпти. Менинг авлодларим ана шундай бахтиёр умргузаронлик қилаётганидан шодлансам, ўзимнинг бахтиқаро ёшлигиму, она бўлиб чақалоқларимни тўйиб-тўйиб суёл маганим, беҳишт ифори келувчи елкачаларини беармон ҳидламаганим, уларни мен эмас пахта катта қилганидан ўкинаман. Ҳа, биз фарзандларимизни эмас, пахтани кучардик. Тупроқни, кесакни суярдик. Эгнимиз атласга зор бўлса-да, кимларнингдир хизматкори эдик. Дала бошидаги икки тутга арқон боғлаб, беланчак ясардик-да, ҳали чилласи чиқмаган чақалоғимизни чирқиллатиб, офтоб тиғида пахта терардик. Ҳатто далада кўзи ёриб, Пахтаой-у, Пахтабойларни дунёга келтирган дугоналарим ҳам бўлган.

Мен куламан. Момомнинг сўзлари узоқ ўтмишда содир бўлган ё бўлмаган эртакка ўхшарди.

— Қўйсангиз-чи, момо, ун-чалик эмасдир. "Йўқ, менга иш эмас, пул эмас, болам керак, фарзандимнинг соғлиги керак", десангиз, ким ҳам сизни мажбурлаб ишлатарди. Ўзингиз пахта пулига қизиқ-қандирсиз-да.

Момомнинг кўзлари тағин намланади, менга шундай маъюс боқадики, айтган гапимдан минг-минг пушаймон ейман.

— Инсонни эшитишади, ёрдам беришади, тушунишади. Йўқ, у пайтларда биз инсон эмасдик, шунчаки пахтакорлар эдик, холос. Раиснинг эгатда ухлаб қолган нимжон аёлларни савалашини, белгиланган режадаги пахтани термагани учун чақалоғини қўлига бермаганини эсласам, сенинг бугунги бахтиёр турмушинг мен учун

тушга ўхшайди. Ҳа,ширин тушга. Ўнта туққан қаҳрамон онанинг аслида битта боласи ҳам тўла соғлом эмасди. Бугун ўша ўнтадан ярми касалманд ёки нобуд бўлган. Ахир, болани туққан билан умрида уни дўхтирга кўрсатмаган бўлса... Пахтами, чақалоқми, кўриб-кўрмасдан баъзан атай "Кукурузник" деган самолётдан дори сепишса... Қолаверса, қишлоқда дўхтирнинг ўзи йўқ эди. Агар биров хасталаниб қолса, отдами, эшакдами туман марказига борардик ёки қўшни қишлоқларда ном чиқарган табиб, қушночларни уйга олиб келардик. Унда ҳам айтарли дори йўқ, дори топгунча, касалнинг худо берган умри бўлса яшар, бўлмаса...

Момомнинг сўзларини эшитиб, "Хайрият, мен ўша замонда яшамаган эканман" деган сўзлар юрагимдан тилимга кўчади. Боламни маҳкам бағримга босаман. Ҳа, яратганга шукр, ҳар нарсадан кўра инсон, унинг соғлиги устун бўлган дориломон замонда яшаётганимизга шукур қиламан.

АЁЛ КЕЛАЖАКНИ ТЕБРАТАДИ

"Дунёдаги энг гўзал аёл ҳомиладор аёлдир" деган экан файласуфлардан бири. Дарҳақиқат, аёл энг гўзал мўъжиза. Аммо она мўъжизадан ҳам баландроқ зотдир. Уни асраб-авайлаш, саломатлигини кўз қорачиғидек сақлаш эса чинакамига олижаноблик. Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган хайрли ишларнинг бош ўзагини ҳам ана шу мақсад ташкил этади. Зотан, соғлом онадан бақувват фарзандлар туғилади.

Бу борада миллат генофондини мустаҳкамлашга қаратилган "Соғлом она - соғлом бола" концепцияси ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мазкур Дастур асосида ўтган йиллар мобайнида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Тиббиётимизда янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Бу она ва бола саломатлигини асраш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Қолаверса, тиббий-илмий марказлар ва етакчи тиббиёт масканларида фаолият юритаётган олимлар ва малакали мутахассисларнинг жойларга чиқиб соғломлаштириш ҳафталикларида фаол иштирок этиши аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бундай тадбирлар давомида қишлоқ врачлик пунктларида ўн минглаб аҳоли, туғиш ёшидаги гёллар ва ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини ҳам эътироф этиш жоиз.

Маълумки, соғлом бола туғилиши ҳамда унинг нормал ривожланишида оналар ва болаларнинг тўғри овқатланиши ғоят муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Ўзбекистонда микронутриент танқислигининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш, яъни истеъмол тузини йодлаш, унни тўйинтириш, темир, фолий кислотаси ва А витаминини саплементация қилиш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан поливитаминларни харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти яратилаётгани эътиборга сазовордир. Бундай хайрли ишлар самараси ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида кўрсатилаётгани сабабли, аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни "Соғломлаштириш ҳафталиклари" ҳар ойда ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар давомида барча ҳудудлар, айниқса, чекка ва бориш қийин бўлган туманларда мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган марказлар, илмий текшириш институтлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртларининг юқори малакали мутахассислари ва профессорлари хотин-қизлар ҳамда болаларни даволайди ва маслаҳатлар беради. Бу каби тадбирлар натижасида юртимиздаги минглаб қишлоқ аёллари юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имконига эга бўлишаяпти, соғликлари тикланаяпти. Зотан, аёли соғ бўлган юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Бешигида соғлом фарзандни тебратаётган она аслида Ватаннинг эртасини парваришлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати берган маълумотга кўра, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 63 фоиздан ошган. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда бу борада юксак ўсиш суръатларига эришаётганлигига амин бўламиз. Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кузатилмоқда. Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Таъкидлаш ўринли: мамлакатимизда болаларни ўз вақтида эмлашнинг мукаммал тақвими ишлаб чиқилган. Бунинг натижаси ўлароқ полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилди. Охирги йилларда қизамиқ ва қизилча касалликлари деярли қайд этилмади. Сўнгги ўн йилда эса 10 ёшгача бўлган болаларда вирусли гепатитнинг "В" тури умуман рўйхатга олинмади.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётгани туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳудудига карантин қилинадиган ва ўта хавфли инфекциялар кириб келиши ҳамда тарқалишига йўл қўйилмади. Аҳолини, айниқса, болаларни эмлашга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ, 2,5 миллион болани профилактик эмлаш режалаштирилмоқда.

Яна бир гап. Болани кўкрак сути билан парваришлаш амалиётини янада кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтириш чора-тадбирлари ҳамон давом этмоқда. Зотан, гўдак учун она сутидан-да фойдалироқ озуқа йўқ. Эндиликда скрининг ва перинатал тиббий марказлар ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари миллий тиббиётимиздан мустаҳкам ўрин эгалладики, болалар касалликларига эрта ва тўғри ташхис қўйиш, сифатли даволаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Бу маълумотларни ўқиб қайси одамнинг дили яйрамайди?! Ахир фарзанд соғлиги, унинг ҳар томонлама баркамоллигидан ҳам олийроқ бахт борми?! Юртимизда мутлақо соғлом болалар туғилаётгани эртамиз ёруғ бўлишидан далолат эмасми?! Дарҳақиқат, халқимизнинг азалий орзуси бўлган қаҳрамонлик тимсоллари — елкаси Боботоғдек Алпомишлару, ўн тўрт ботмонлик камонни даст кўтарган Ёдгорбеклар камол топадиган замон келди. Фарзандларимизнинг ана шундай бенуқсон ўсиб-улғайишларида эса соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг беқиёс ҳиссаси бор.

МАЛАКАЛИ ТИББИЁТ ХОДИМИ ҲАМИША АРДОҚДА

Тиббиёт шундай соҳаки, унда изланиш бўлмаса, тажриба алмашиш, малака ошириш ишлари йўлга қўйилмаса, илғор даволаш усулларидан бехабарлик бошланади. Шу боис ҳам, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида соҳа мутахассисларининг касбга оид билимларини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили Германия, Италия, Франция, Австрия, Корея Республикаси, Япония, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Исроил ва бошқа мамлакатларнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт марказларида мутахассисларимизнинг малака ошириши ташкил этилмоқда. Қолаверса, хорижлик мутахассисларнинг юртимизга ташрифи ҳам ташкил этилаётир.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини — амбулатория-поликлиника хизмати ва қишлоқ врачлик пунктларидан (ҚВП) таркиб топган тармоқни мустаҳкамлашга, уларнинг фаолиятида профилактика ишлари устуворлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам аҳолига маслаҳат бериш ва ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҚВПлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Мисол учун, "Саломатлик-3" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҚВП, оилавий поликлиникалар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг 5100 нафар шифокори ҳамда 12500 нафар ходимини сайёр курсларда ўқитиш режалаштирилган.

Умуман олганда, соҳа ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Биргина "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилганию, ҳар йили тиббиёт фидойилари тақдирланишини эслаб ўтиш кифоя. Қолаверса, қалби дарё халқимиз оқ либос эгаларини ўзгача қадрлаб, эъзозлайди. Кексаларимиз қўлини дуога очганида ўзининг ёки яқинларининг дардини аритган шифокорларни алқайди, омонлик тилайди. Ҳа, эл эъзозидаги соҳа вакилларининг сидқидилдан меҳнат қилиши, ишига виждонан ёндашиши учун барча шароитлар етарли. Касбига бор меҳрини-ю қалб қўрини бағишлаган заҳматкаш шифокорларни эса ҳар қанча эъзозласак кам.

ХОРИЖГА БОРИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Дарвоқе, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — энг ноёб жарроҳлик амалиётларининг ўзбек шифокорлари томонидан муваффақиятли ўтказилаётганидир.

— Бугун ўта оғир хасталикларга даво излаб хорижга боришга ҳожат қолмади, — дейди республика Ихтисослаштирилган хирургия маркази директори ўринбосари Миржамол Зуфаров. — Чунки бу борада биз, тиббиёт ходимлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мутахассисларимиз энг мураккаб амалиётларни, жумладан юрак аритмияларининг қийин турларини бартараф этишда кўкрак қафасини очмай туриб, махсус катетирлар ёрдамида юбориладиган ўзига хос радио-частотали тўлқинлардан фойдаланиб, беморларга иккинчи ҳаёт ҳадя этмоқдалар. Қолаверса, юрак уриши пасайиб кетган беморларга кардиостимулятор қўйиш, юрак ритмини мувозанатга келтиришда кардиоверсия усули ҳам самарали қўлланилаётир. Биласизми, бу каби мураккаб амалиётлар жаҳоннинг саноқли давлатларидагина амалга оширилади, холос.



Дарҳақиқат, ҳозир кўпгина даволаш муассасаларида ангиография, яъни томирларнинг ички ҳолатини ўрганиш усули ҳам мавжуд. Бунда юрак тож томирига контраст суюқлигини юбориш орқали томирларда торайган жойлар бор-йўқлиги аниқланади. Шунга қараб бемор жарроҳлик ёки бошқа бир муолажа йўли билан даволанади. Шуниси ҳам борки, юрак етишмовчилигининг баъзи бир турларида даволашнинг анъанавий услублари кор қилмай қолади. Кардиологияда бундай ҳолат "рефрактер юрак етишмовчилиги" деб юритилади. Айни пайтда бу муаммонинг ечими бўйича ҳам олимларимиз ижобий натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили республика Ихтисослаштирилган хирургия марказида Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши юрак хирургияси соҳасида янада юқори технологияларни татбиқ қилишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда кўз касалликлари билан боғлиқ хасталикларни олайлик. Президентимиз ташаббуси билан республика ихтисослаштирилган Кўз микрохирургия маркази ташкил этилди. Бу билан Ўзбекистоннинг ўзига хос офтальмология мактабига асос солинди десак асло муболаға бўлмайди. Бугунги кунга келиб, ёш ўзбек шифокорлари кўздек энг нозик аъзо билан боғлиқ ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказиб, ҳаётни тиниқ рангларда кўра олиш бахтидан умидини узган минглаб беморларни дунёни қайта кўришдек буюк бахтга мушарраф этишмоқда.

Бундан ташқари, хирургия, травматология, урология, педиатрия, терапия, стоматология, пульмонология, гематология каби кўплаб тиббиёт йўналишларида мутахассисларимиз қўлга киритаётган ютуқларни ҳам эътироф этиш жоиз.

МАҚСАД МОҲИЯТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Дарҳақиқат, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами кенг. Табиийки, истиқболдаги режалар бундан-да кўп. Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда Давлат бюджетидан 3,4 триллион сўм маблағ ажратилади. Бундан ташқари, Обод турмуш йилида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш мақсадларига қарийб 312 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда. Қолаверса, ўтаётган йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида юртимизнинг барча туман ва 15 та шаҳар марказий шифохонаси, шунингдек, юздан ошиқ шаҳар кўп тармоқли ва оилавий поликлиникаларига энг замонавий рентген аппарати, рақамли ультратовуш сканери, биохимик анализатор, кўп функцияли бемор монитори каби 96 турдаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш ишлари бошланади.

Гувоҳи бўлганимиздек, юртимизда инсон соғлиги йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мақсад — шу элнинг соғлиги, фарзандларимизнинг баркамоллиги. Бизу сиздан талаб этиладигани эса ўзимиз ва яқинларимиз саломатлигига бефарқ бўлмаслик, касал бўлмаслик учун ҳар олти ойда бир шифокор кўригидан ўтиш ва яратилаётган тиббий шароитлардан самарали фойдаланишдир.

"ФАРЗАНДИМНИНГ ЭРТАСИДАН КЎНГЛИМ ТЎҚ"

Шуларни қоралаб ўтирарканман, ёнимдаги талаба қиз гап қотди:

— Опа, аввалари ўқишимни тугаллаб, турмушга чиқсам, фарзандли бўлсам, боламни қандай эпларкинман-а, дея қўрқардим. Яқинда келинойим қизли бўлди. Унга бола парваришида биздан ҳам кўра қишлоғимиздаги ҚВП шифокори кўпроқ ёрдам беради. Ҳар ҳафтада, узоғи билан ойда бир келиб хабар олади, керакли тавсияларни беради. Келинойим эса унинг маслаҳатлари билан жиянимни ҳеч бир қийинчиликсиз улғайтиряпти. Буларни кузата туриб, агар она бўлсам, фарзандимга бир ўзим эмас, малакали шифокорлар ҳам жавобгар бўлиши, яқиндан ёрдам беришини ҳис қилиб, жуда хурсанд бўламан.

Ҳа, бу қизнинг гапида жон бор. Аввалари оналаримиз, момоларимиз гўдаги касал бўлса, уни кўтариб қишми, ёзми шифохонага келишар, соатлаб навбат кутишар эди. Энди эса бир ёшгача бўлган чақалоқларни ҚВП умумий амалиёт шифокори уйига бориб, текширувдан ўтказиши, зарур тиббий маслаҳатларни бериши йўлга қўйилган. Умуман олганда, юртнинг эртанги эгалари соғлигига эътибор ҳукумат даражасига кўтарилган. Нафақат болалар, балки ўтказилаётган соғломлаштириш ҳафталикларида минглаб аёллар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оила фарзандлари ҳам бепул ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланишаётир. Демакки, бу юртда инсон, у ким бўлишидан қатъи назар қадри баланд, соғлиги эътиборда. Зотан, халқи соғлом бўлган мамлакатнинг эртаси бундан-да буюкдир.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" муҳбири

Сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кузатилмоқда. Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам 63 фоиздан ошган. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда бу борада юксак ўсиш суръатларига эришаётганлигига амин бўламиз.

Мақола Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати билан ҳамкорликда тайёрланди.

Таҳлил

АХБОРОТ МАЙДОНИДА

Тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналист ихтисослашувининг долзарб масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 27 июнда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида шундай дейилади: "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга". Шу боисдан журналистика соҳасида фаолият олиб бораётган ва ихтисослашаётган ҳар бир қалам соҳиби бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаб бориши керак.



Мамлакатимиз аҳолисига тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналист ихтисослашувининг долзарб масалалари ҳақида сўз юритишдан олдин жамиятимизда, ҳозирги ривожланаётган оммавий ахборот воситаларида хабар жанрининг тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Дарҳақиқат, бугунги дунё матбуоти фақат ғоя тарқатувчи эмас, у, аввалambор, янгиликлар, хабарлар етказувчиси ҳисобланади.

Таниқли америкалик журналист, "Washington Post" газетасининг собиқ бош муҳаррири Бен Бредлига кўра, "хабарлар – бугунги кун тарихи ҳақида ёзилаётган биринчи сатрлардир".

Профессионал фаолият жараёнида хабар, унинг ўзагини ташкил этувчи янгиликлар матни билан ишлаш нисбатан осонроқ ва ушбу жанр тарихан аниқ стандартларга бўйсундирилган. Лекин уларнинг айримлари тилга олинаётган усулга доир чуқур билим ва тажрибага эга бўлишни талаб этади.

Демак, хабар бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги илк маълумотларни ўз ичига олган янгилик қуйидаги талабларга мос келиши керак:

1. Қисқалик. Дарёдаги сув оқими тошни сайқаллагани каби ахборот оқими ҳам жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади.

Янгиликнинг матни шундай ёзилиши керакки, у ўқувчи томонидан имкон қадар табиий қабул қилиниши лозим. Сир эмаски, замонавий одам учун ахборотни ўқиш, эшитиш ва кўриш худди ҳаводан нафас олиш, сув ичиш ёки овқат тановул қилиш сингари физиологик жараёнга айланиб улгурди.

Ахборот инсон томонидан қабул қилинаётганида у деярли таҳлил қилинмайди. Аксарият ҳолларда телевизор, радио, газета ёки Интернетдан олинган ҳар қандай хабарга онгли равишда, ҳеч қандай шубҳасиз ишонгимиз келади.

Янгиликнинг ана шундай хусусиятига унинг қисқалиги орқали эришиш мумкин. Бунинг учун хабар ортиқча сўз ва ибораларидан холи бўлиши керак. Унга ҳаддан зиёд ижодий ёндашув ҳар доим ҳам қўл келавермайди. Хабарлар турли баланд парвоз гаплар, қочиримлар ва безакларни ёқтирмайди.

2. Жанр стандартларига (технологик жиҳатдан) мослик. Янгиликнинг бошқа адабий ва журналистик жанрлардан фарқи шундаки, у нафақат мустақил тугалланган матн ва муаллифлик асари, балки оммавий коммуникациялар тизими ёки ахборот оқимидаги ўта йирик ҳамда муҳим глобал форматнинг бир бўлагидир.

Айнан шунинг учун ҳам хабарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланмайди. Чунки янгиликлар барчага тегишли, улар ҳеч кимнинг моддий ёки интеллектуал мулки эмас. Янгиликларнинг қатъий технологик схемаларга таянган ҳолда, имкон қадар аниқ ва мантиқий далиллар асосида ёзилишининг сабаби ҳам шунда.

3. Тезкорлик. Янгиликнинг энг катта ютуғи бу, албатта, унинг тезкорлиги билан белгиланади. Мавзу қилиб олинаётган воқеанинг тугалланиши билан биринчи бўлиб хабар тарқатиш профессионал журналистлар орасида ҳам, ўқувчилар орасида ҳам қадрланиб келинган. Умуман олганда "идеал янгилик" бу воқеа бошланиши билан бир пайтда тарқатиладиган хабардир.

Бундай имкониятга "реал вақт режими"да ишлай оладиган — Интернет, телевидение ёки радиогина эгадир.

4. Тушунарлилик (лўндалик). Сифатли янгилик, албатта, кенг оммага тушунарли тарзда баён этилиши керак. Бундай талаб гап тузилиши тартибидан бошлаб, ўқувчиларнинг шу янгиликни қабул қила олиш даражасигача бўлган барча масалаларни қамраб олади. Агар назарда тутилаётган муштарийлар аудиториясининг билими, тушунчаси, дунёқараши қанчалик хилма-хил ва кенг бўлса, ишлатиладиган сўзлар ҳамда терминлар доираси шу қадар тор ва камроқ бўлиши тавсия этилади. Демак, янгилик матни кўпчилик учун тушунарли бўлган оддий тилда ёзилгани маъқул. Муҳим жиҳати шундаки, воқеа ҳақида лўнда ифода этилган хабар ўқувчи хотирасида узоқ вақтгача сақланиб қолади.

5. Холислик. Журналист ҳар қандай ҳолатда ҳам ахборотнинг холислигига масъулият билан ёндашмоғи керак. Чунки тайёрланган хабар ОАВ орқали минглаб, миллионлаб ўқувчиларнинг эътиборига тушади.

Профессионал мухбир олдига қўйилган мавзуни ёритар экан, у биринчи навбатда фуқаролик бурчини эсда сақлаши лозим. Фақат ўз виждони, онги ва тафаккурига асосланиши жоиз.

Ахборот тезкорлиги билан боғлиқ хатолар. Ҳақиқатан ҳам юқорида таъкидланганидек, хабар ва янгиликларнинг тезкорлиги ҳар қандай ОАВ учун муҳим аҳамият касб этади. Аммо текширилмаган, аниқ манбаларга таянилмаган ёки уйдирма ахборотлар тайёрлаб, уларни узатиш билан боғлиқ камчиликлар журналистлар фаолиятида учраб туриши сир эмас.

Бунга қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Маълумки, ўз вақтида жаҳон матбуоти Далай Ламанинг фаолияти, дунёқарашлари ҳақида бири иккинчисидан шовшувли маълумотларни бера бошлаганда унинг илк бор хорижга қилган сафарини ёритишни зиммасига олган фотомухбирлардан бири хатоликка йўл қўйган эди. "Мана кўриб турганингиздек, ҳозиргина Далай Лама етиб келди", дея самолёт трапидан тушиб келаётган унинг ёрдамчисининг суратини шошилинч тарзда ОАВга тарқатилгани қизиқ оқибатларга сабаб бўлган. Фоторепортёрнинг, бир қарашда, ушбу оддий хатосини тузатишга, яъни "аслида расмдаги шахс Далай Лама эмас, ҳақиқийси мана бу", деб ўқувчиларга тушунтириш учун икки йил вақт кетган.

Яна бир воқеа. Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги тарқатган хабарда қайд этилишича, 2012 йилда шу мамлакатдаги 60 дан зиёд марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари журналистика соҳасининг ичида "ҳақиқат учун курашга" ундовчи махсус Декларацияни қабул қилганлар. Гап шундаки, Пекин телевидениеси "шаҳар ресторанларидан бирида баоцзы-миллий таомини тайёрлашда унинг ичига гўшт ўрнига картон қоғозлари солинган" деган маънода уйдирма хабар тарқатган. Боз устига, бунга ишонган қатор маҳаллий ва хорижий ОАВ ушбу шов-шувли хабарни ўз каналлари орқали тарқатиб улгуришган. Натижада Пекин телевидениесининг 6 нафар мухбири исботланмаган маълумотларни тарқатгани учун ишдан четлатилган.

Хўш, шиддат билан ўзгараётган даврда ахборотнинг ўрни қандай ва қаерда бўлади? АҚШнинг "Narrative Science" ташкилоти 2012 йилда оддий компьютер алгоритмларини хабар матнига айлантириб берувчи янги дастур ишлаб чиқди. Дастлабки натижаларга кўра, у спорт хабарини тажрибали мухбирга нисбатан яхшироқ ёзган. Шу боис Ғарб ахборот агентликларидан бирининг раҳбари Дэвид Маттин билдирган фикрга кўра, "яқин келажакда янгиликларга ихтисослашган минглаб журналистлар ишсиз қолишлари мумкин".

Аммо юқоридаги ташкилот вакили бундай хавотирга ўрин йўқлигини таъкидламоқда. "Хабар ёзувчи роботлар асосан охирги пайтларда тўлдирилиши қийин бўлаётган "гиперлокал" сайтлар фаолиятига жорий этилиши мўлжалланган, холос". Тўғри, аъло даражадаги хабар матнини ҳеч қандай компьютер дастури одамчалик эплай олмаслиги аниқ.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, жаҳон медиа маконида тезкор хабар ва янгиликлар оқими тобора кенгайиб борар экан, журналистларимизнинг мазкур йўналишдаги ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратиш давр талабидир.

Беруний АЛИМОВ,
ЎзМУ Олий журналистика курслари раҳбари

Ҳамкасблар ҳақида

МЕҲРИ ДАРЁЛАРДАН БИРИ

Инсоннинг хотира бисоти болалик ўйлари бўларкан. Таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қурбон Эгамбердиевнинг ҳар бир сатрида юқоридаги хотиралар акс этади, ҳикояларидаги қаҳрамонлари ҳаётида бўй кўрсатади.

– 1933 йили темирчи оиласида туғилганман, – дея хотирлайди устоз биз билан суҳбатда. – Отам Эгамберди Носир ўғли суяги меҳнатда қотган, меҳрибон ва қатъиятли инсон бўлиб, унинг ҳар бир айтган гапи биз учун қонун ҳисобланарди. Онам Анзиратхон Каримпўлат қизи эса ўз замонасининг билимдон аёлларидан, халқ ижодининг хазинаси эди. Уйимизда катта супа бўларди. Кечалари ана шу супага тўшалган кўрпага бурканиб, онам айтган ривоят-у чўпчаклар, топишмоқ ва эртакларни эшитиб алламаҳалгача ухламасдик. Осмондаги юлдузларга термулиб, эртак қаҳрамонлари Кенжа ботиру Олмос ботирлар билан хаёлан суҳбат қурардим. Қалбимда сўзга бўлган меҳр ўша кезларда уйғонган бўлса ажаб эмас.

Устоз ўзи туғилиб ўсган маҳалла, унинг одамлари ҳақида ўзгача бир меҳр билан қалам тебратади. «Қарши шаҳридаги Чармгар маҳалласи аҳолиси ҳангома, аския, ривоят, лофларга уста. Уларнинг давраларида бўлсангиз, маза қиласиз, чинакам ҳордик чиқарасиз», дейилади «Эш ака ҳангомалари» туркум ҳикояларида. Ана шундай зукколик, ҳозиржавоблик ва самимият, шу билан бирга, одамохунлик, хушфеъллик ҳамда бағрикенглик ижодкорнинг феъл-атворида тўлиқ мужассам.

"Яхшига ёндашган етар муродга...", дейди халқимиз. Бизнинг бахтимиз воҳамизнинг забардаст журналистларидан бўлиб, элга танилган Қурбон Эгамбердиевнинг пурҳикмат суҳбатларидан баҳрамандмиз, ёнма-ён ишлаб, ибратли ўгитларини олишга муяссар бўлдик.

Бугун ушбу лавҳа баҳона унинг минг фазилатларидан бири – шогирдларига бўлган меҳри ҳақида қисқача тўхталдик. Қаҳрамонимизнинг «Ҳаёт мазмуни», «Меҳр ва қаҳр», «Ибодат ва қабоҳат», «Диёнат ва хиёнат», «Армон ва дармон» сингари китобларини ўқиган мухлислар ҳам бу инсоннинг катта қалб эгаси эканига амин бўлади.

Даврон СУЛТОНОВ,
"Хазина" газетаси бош муҳаррири

Ислоҳот

МАЪНАВИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

XXI аср – ахборот технологиялари жадал ривожланган давр экани билан тарих саҳифаларидан жой оладиган бўлди. Бугун 9-10 ёшли бола (балки ундан ҳам кичикдир) мобиль телефондан интернетга уланиб, хоҳлаган сайтига кириши, кўнгли тусаган ахборотни олиши мумкин. Бир қарашда бу барчамизга ижобий ҳолатдек туюлади.

Чиндан ҳам интернет орқали дунёдан, унда кечаётган янгиликлардан хабардор бўлишнинг ёмон томони йўқ. Аммо "ўргимчак тури"нинг имкониятлари шу даражада юқорики, унинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлган киши ўзи кутганидан ҳам кўп ахборотга эга бўлиши мумкин. Масалага шу тарафдан ёндашилса, ҳар нарсага катта қизиқиш билан қарайдиган ёшлар ўзлари сезмаган ҳолда ахборот хуружлари домига тушиб қолишади. Оқибатда эса келажагимиз эгаларининг руҳиятида кескин ўзгаришлар рўй беради. Шу ўринда савол туғилади: ёшларимизни бу каби ахборий таҳдидлардан қай йўл билан ҳимоялаш керак?

Маълумки, демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантиришда халқнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг онги, дунёқараши, сиёсий маданиятини юксалтиришда, улардаги фуқаролик позициясини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли катта. Шу боис, мамлакатимизда "тўртинчи ҳокимият"ни ислоҳ этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгилаб берган вазифалари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Соҳада эришилган ютуқлар ўзимизники, аммо ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Масалан, глобаллашув журналистларимиз зиммасига катта масъулият юкламоқда. Бундай вазиятда ОАВ ходимлари ёшлар дунёқарашини миллий ғоя ва қадриятларимиз асосида шакллантириш ҳамда "оммавий маданият" нуқоби остида аҳолининг, шу жумладан, ёшларимизнинг қалби, онгу шуурини эгаллашга қаратилган турли ошкора ва пинҳона ахборот хуружларига қарши курашда фаоллик кўрсатишлари лозим.

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам айтиб ўтилди. Тадбир иштирокчилари — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий медиа тизимини тубдан ислоҳ этиш, фуқароларни сўз ва ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш, журналистларни эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, миллий ахборот маконини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ОАВларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага қўшимча иқтисодий преференциялар жорий этиш зарурати бугун ечимини топиши керак бўлган вазифалардан. Бу масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларининг лойиҳалари тайёрланиб, Қонунчилик палатасига тақдим этилди. Мазкур лойиҳалар эса ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида ОАВ иқтисодий эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасида соф рақобатни мустаҳкамлаш, тегишли имтиёзлар бериш масалаларини тартибга солиш, аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини халқаро андозаларга мос равишда янада тўлиқроқ қондириш, энг асосийси, соҳанинг ҳуқуқий қисмини тартибга солиш масалаларини ўзида қамрагани билан эътиборлидир.



Яна бир гап: мамлакатимизда соҳага рақамли ахборот технологияларининг жадаллик билан жорий этилиши юртимизда интернет тармоғи ва ундан фойдаланувчилар сонининг кенгайишига олиб келмоқда. Аммо бугунги таҳлиллар глобаллашув шароитида интернет болалар ва ўсмирларнинг руҳий, маънавий улғайишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга юқорида таъкидлаганимиздек, турли пинҳоний ахборот хуружлари бош омил бўлаётир. Шунинг учун замон талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бир қатор давлат, нодавлат ташкилотлар томонидан яна бир янги – "Вояга етмаганларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир этувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. 8 боб, 34 банддан иборат ушбу қонун лойиҳаси тасдиқланиб, амалда жорий қилинса, болалар ва ўсмирларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахлоқига салбий таъсир этувчи маълумотларни, миллий қадриятларимизга зид бўлган маънавий бузуқликни тарғиб этадиган босма, аудиовизуал маҳсулотлар ва компьютер ўйинларидан ҳимояланиши кафолатланади.

Қонун лойиҳасини яратишда бу масалада бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ҳам ўрганиб чиқилганини алоҳида қайд этиш ўринли. Шунингдек, ривожланган давлатлар – Германия, Италия, Франция, Англия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа давлатларнинг қонунчилик тажрибаси эътиборга олинди.

Хуллас, бугун лойиҳаси яратилган мазкур қонунлар келажакда аҳолининг ахборот олиш маданиятини юксалтиришда қўл келиши аниқ. Шу билан бирга ҳар томонлама етук, мустақил фикрловчи, ўз ҳаётий мақсадлари, мустаҳкам эътиқодига эга, мамлакатни ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнида ҳал қилувчи куч ҳамда таянч бўлишга қодир ёш авлодни тарбиялашда катта ёрдам беради.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Туман газеталари фаолиятидан

Оммавий ахборот воситалари орасида матбуот нашрларининг, хусусан, газеталарнинг салмоғи кенгроқ эканини кўплар яхши билишади. Уларда чоп этилаётган ахборий, таҳлилий ва танқидий материаллар жамиятда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга холис муносабат сифатида мутолаа қилинади.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Марҳамат туманидаги "Оқ олтин" газетаси ҳам ана шундай нашрлар сирасидан. Мазкур газета 1933 йилдан чоп этила бошланган. Ўтган йиллар давомида газета ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини оммалаштиришда ижобий ишларни амалга оширди. Бу билан туманда жамоатчилик фикрини шакллантирувчи энг муҳим нашрга айланди.

"Оқ олтин" газетаси ҳафтада бир марта чоп этилиб, унда асосан ижтимоий хабарлар бериб борилади. Туман ҳаёти журналистиканинг репортаж, лавҳа, очерк, мақола сингари жанрларида акс этади. Суд-ҳуқуқ тизими вакиллари, мухбирлар, қатор соҳа мутахассисларининг долзарб мавзулардаги чиқишлари газета мазмунини янада бойитмоқда. Хусусан, газетада қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчиларининг тўй маросимларини камчиқим ўтказиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, обод турмуш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари содда, равон тилда саҳифаланиб, тумандаги ёш оилаларнинг тинч-тотув яшашлари учун маълум даражада ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, "Оқ олтин" газетасида фарзанднинг бенуқсон камол топишида тарбиянинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний ва маънавий етукликка эришиш шартлари хусусидаги мулоҳазалар мунтазам ёритиб борилади. Бу соҳадаги ишлар ўқувчилар давоматини тубдан жонлантириш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш ва "Оила-мактаб-маҳалла" концепциясининг бажарилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Мазкур газета саҳифаларида ўрни билан танқидий ва таҳлилий материаллар ҳам чоп этилади. Бундан кўзланган мақсад туманнинг ижтимоий ҳаётида кўзга ташланган нуқсонларни бартараф этиш, иқтисодий ривожланиш суръатини янада илдам босқичга кўтармоқ ҳисобланади. Жумладан, "Ташландиқ бино кимга қарашли?" сарлавҳаси билан газетада берилган фоторепортаж туманда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг жадал олиб борилишига ижобий таъсир этди. Натижада Марҳамат туманида бинолар атрофи, мавжуд кўчалар тобора чирой очмоқда.

"Оқ олтин" газетасининг муштарийлар қалбига кириб боришида жамоатчи мухбирлар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Жумладан, тарихчи олим ва журналист Обиджон Маҳмуд Довонийнинг "Мингтепа сирлари" тўғрисидаги туркум мақолалари, шоир Соҳиб Сабрий, ёш шоиралар Саида Зиё ва Зулхумор Жўраеванинг кўнгилга яқин шеърлари, Ёқутхон Абдулазизова, Умидахон Турдиалиеванинг ижодий мақолалари газетанинг янада ўқишли бўлишини таъминламоқда. Бундан ташқари, туманда ташкил қилинган Муҳаммад Юсуф номли "Ёш ижодкорлар" адабий тўгараги аъзоларининг ижодий ишлари ҳам газетада мунтазам бериб борилмоқда.

"Оқ олтин" газетаси таҳририяти жамоаси нашрни ҳар томонлама — дизайн жиҳатидан ҳам, мақолалар мавзусининг салмоғи жиҳатидан ҳам бой ва мазмунли бўлиши учун тинмай изланмоқдалар. Газета ўтган йили "Энг улуғ, энг азиз" кўрик танловининг вилоят босқичида қатнашиб, совринли ўринни қўлга киритганди. Бундан руҳланган таҳририят ижодкорлари янги лойиҳалар устида изланишлар олиб бораётир.

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ
Марҳамат тумани

ИККИ ЮЗ ЁШЛИ ОЛАБУҒА

Аляскалик Генри Лейбман Беринг денгизидан тури ғаройиб, ёши 200да деб тахмин этилаётган олабуға (окунь) балиғини тутди. Ҳозирча балиқнинг аниқ ёши ҳақида якуний хулосага келинмади. Бироқ мутахассислар уни икки асрдан кам умр кўрмаганини таъкидлашмоқда. Зеро, балиқнинг қулоғидаги ҳалқалар сони шундан далолат бериб турибди.

Лейбман олабуға терисидан тулум ясаб, уни эсдалик сифатида хонадонида сақлаш ниятида. Ажабланарлиси, суғурта фирмасида ишловчи америкалик ҳаваскор балиқчи бу ноёб ўлжани оддийгина қармоқ воситасида тутди.

Умуман олганда, денгиз олабуғаларининг узоқ умр кўриши бор гап. Уларнинг айримлари 50-100 йил ва ҳатто ундан кўпроқ яшаши аниқланган. Масалан, бир пайтлар Алеутда 205 ёшдаги олабуға балиғи ушланган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА БИНО

Хитойнинг Сичуань провинциясида жаҳондаги энг катта бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Чэнду шаҳрида бунёд этилган The New Centure Global Center деб ном олган ушбу шаҳармонанд бинонинг майдони сатҳи 1,76 миллион квадрат метрни (Пентагондан 3 баравар ва Сиднейдаги опера уйидан 20 баравар катта) ташкил этади. Бинонинг узунлиги нақ 500 метр, эни 400 метр ҳамда баландлиги 100 метрдан иборат. Ушбу иншоот 3 йил деганда қуриб битказилди.



Иншоотнинг 400 минг квадрат метрини савдо майдонлари эгаллайди. Унинг қолган қисмларига эса 2 та беш юлдузли меҳмонхона ва замонавий санъат маркази, мажлислар заллари, 14 та кинозал ҳамда 400 метрлик сунъий пляждан иборат аквапарк жойлашади.

Марказнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий қуёш батареялари ёрдамида ёритилади ва иситилади.

ЎЛЖАНИ ЭЛЕКТР ЁРДАМИДА ТУТУВЧИ ЎРГИМЧАК

Ўргимчакнинг araneus diadematus деган турига ўз ўлжасини тутишда электр токи ёрдам берар экан. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, агар ўзгармас электр зарядига эга бўлган ҳашарот тўрга яқинлашса бас, у ўргимчакнинг чангалига тушиши муқаррар.



Ушбу ўргимчак Европа ўрмонларида кенг тарқалган бўлиб, тўрлари ҳам одатдагиларникидан катталиги билан фарқ қилади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўргимчакнинг «тортиб олиш» кучининг масофавий таъсири жуда ҳам арзимас, атиги 2 миллиметр. Шундай бўлса-да, у секундига икки метр тезликда юз берар экан. Ҳа, фан қанчалик илдамлаб, инсоният томонидан эндиликда бутун ҳайвонот олами ўрганиб бўлинди, дейилсада, ҳали унинг очилмаган жумбоқлари кўпга ўхшайди.

Олимларнинг тахминига кўра, табиий шароитда ўргимчак тўри манфий зарядга эга бўлиб, ҳашаротларни бамисоли оҳанрабодек ўзига тортади. Бундан ташқари, тўр ёш ўргимчаклар учун озуқа бўладиган қўзиқорин споралари ҳамда чангларни ҳам «тортиб» олади. Тўрларга чангларнинг ўтириб қолиши эса ўргимчакдан ўз бошпанасини мунтазам равишда янгилаб боришни талаб этади.

Фанга аввалдан маълумки, учаётган пайтда ҳашарот танаси ва қанотининг ҳавога ишқаланиши натижасида мусбат электр заряди ҳосил бўлади.

Бу хусусият уларга баъзан фойда беради, масалан, ишчи арилар бевосита гулларга қўнмаган ҳолда уларнинг нектарини сўриш хусусиятига эга. Аммо шуниси ҳам борки, ўргимчакка дуч келганда ҳашаротдаги электр заряди унинг паймонасини тўлдирар экан.

ҚАНДНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ САРАТОННИ АНИҚЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Саратон касаллигини аниқлаш, уни даволаш инсониятнинг энг катта муаммоларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни қарангки, шоколад ёки шакар аралаштирилган газли ичимлик маҳсулотлари инсонда онкологик хасталикларнинг бор-йўқлигини аниқлай олар экан. Ушбу хулосага келишга асос шуки, саратон ҳужайралари соғлом ҳужайраларга нисбатан анча кўп миқдорда қандни талаб этар экан.



Ўта кучли «иштаҳа» ҳисобига зарарли ўсимталар тез суръатда ривожлана бошлайди, деб фараз қилишмоқда олимлар. Лондон университети коллежи ходимлари МРТ-сканерда кузатиб, ширин маҳсулотни истеъмол қилиш пайтида саратон ҳужайралари ярқироқ тусда товланишига гувоҳ бўлишди. Албатта, бундай ташхис услуби жуда хавфсиз ва аниқ. Келгуси бир ярим йил мобайнида мазкур ташхис усулини амалиётда кенг қўллаш мумкинлиги таъкидланмоқда.

УРАЛДА КАРКИДОН ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Россиянинг Челябинск областидаги ғорларнинг бирида олиб борилган қазишмалар пайтида археологлар қадимги даврда яшаган каркидоннинг тишларини топди.



Олимларнинг тасдиғича, унинг ёши 120 минг йилдан кам эмас. Ҳозирда иссиқ минтақаларда яшовчи бу жонивор қолдиқларининг Уралда топилиши қадимги давр ҳайвоноти ва набототига иқлим ўзгаришлари нақадар кучли таъсир кўрсатганини англатади.

Каркидон тишлари билан бир жойдан ўша даврга оид ўсимликларнинг қолдиқлари ҳам топилди. Ушбу ашёвий далиллар олимларга ҳайвонот ва ўсимликлар оламидаги бу каби ғайртабиий ўзгаришларнинг сабабини тадқиқ этишга имкон беради.

ТАНА ҲУЖАЙРАСИДАН ИНСОН ЖИГАРИ ЎСТИРИЛДИ

Япониялик олимлар инсон тана (ствол) ҳужайраларидан митти кўринишдаги жигарни ўстиришга муваффақ бўлишди. Тўрт миллиметрлик доира шаклидаги мазкур ҳужайралар тажриба қилинаётган сичқонларга кўчириб ўтказилганда ўзини ишлаш лаёқатини намоён этди. Жумладан, икки кун ўтиб сичқон қон томирлари билан жигар томирлари бирлашди. Ҳужайралар бўлинишда давом этди: аъзо эса ўса бошлади.

Тадқиқотчилар катта одамнинг етилган ҳужайраларини қайта дастурлаш йўли билан тана ҳужайрасини ҳосил қилишди. Сўнгра уни томирлар ва бирлаштирувчи тўқималарни ҳосил қилувчи гепатоцитларга айлантиришди. Навбатдаги гистологик таҳлиллар унда жигарга хос бўлган барча унсурлар мавжудлигини кўрсатди. Мазкур тажриба олимларни бундай жигар келгусида инсонларга ҳам қўл келиши мумкин, деган фикрга олиб келмоқда.

Интернет хабарлари асосида
А. АЗИМОВ тайёрлади.

Шарҳ

Маънавиятсизлик тараққиёт кушандаси

Жаҳон оммавий ахборот воситалари БМТ маълумотларига таяниб, 900 миллион нафар ёш тўйиб овқат емаганини, 100 миллиондан ортиқ ўсмир эса мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум бўлганини таъкидламоқда.

Энг даҳшатлиси эса ўтган йилнинг ҳар кунида ҳали балоғат ёшига етмаганларнинг 2000 нафардан зиёди ВИЧ вирусини юқтирган. Айрим мамлакатларда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани эса аёллар ва болалар ўлимининг кўпайишига олиб келаяпти. БМТ Бош котиби Пан Ги Мунниг таъкидлашича, ҳар йили ер юзида 10 миллион нафар қиз 18 ёшга тўлмай турмушга узатилаётган бўлса, 16 миллион нафар ўсмир қиз оналар қаторига қўшилмоқда. Бу факт ва рақамларнинг ўзиёқ маънавият, таълим ва тарбия ҳамда иқтисодиёт бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини кўрсатаяпти. Буларнинг бари маънавий юксалишсиз иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмаслигини намойиш этмоқда.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги саммити ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида янги мингйиллик Декларацияси қабул қилиниб, унда инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган эди. Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, орттирилган иммун танқислиги вируси ва безгак сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакати раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини топган эди. Аммо, афсуски, ўтган йилларда дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммоли масалаларни ҳал эта олмадилар.

Таъкидлаш керакки, ёшлар бугунги кунда дунё аҳолисининг 18 фоизини ташкил этади. Уларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Ишсизлик, ёшлар ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ана шу ҳудудлардаги энг ўткир муаммолардан бўлиб қолаяпти. Бундан-да ачинарлиси - давлатларни ичидан емиришга олиб келувчи маънавий хуружлар ва маънавиятсизликнинг авж олишидир. Бундай ҳолатлар кўпроқ океан ортида ва Европа мамлакатларида кузатилаяпти. Ғарб дунёсида қисқа муддатли иқтисодий инқироз ва иш жойини йўқотган кишиларнинг маънавий таназзулга учраётгани, оқибатда йўлида дуч келган инсонга қарата ўқотар қуролдан ўқ узаётгани ҳам фикримизнинг исботидир.

Бу қўҳна дунёда маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емирилаётгани ҳам кузатилмоқда. Чунки Ғарбга хос бўлган турмуш тарзи, ҳаёт қадриятлари, индивидуализм охир-оқибат пуч бўлиб чиқаяпти.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятдаги барқарорликни, мувозанатни ахлоқий меъёрлар, маънавий қадриятлар орқалигина таъминлаш мумкин.

Ушбу хавф фақат Европанинг ўзигагина тааллуқли эмас, албатта. Айни пайтда Яқин Шарқ ва Африка давлатларида ёшларнинг хориждаги айрим нодавлат ташкилотлар ва сиёсий марказлар томонидан молиялаштирилаётган кучларнинг васвасасига учиб, кўчаларни тўлдираётгани, на сиёсатдонларнинг, на кўпни кўрган одамларнинг гапсўзига кирмай бошбошдоқликка берилаётгани ана шу мамлакатларда маънавият ва маърифат ишларининг, тарбиянинг ҳаминқадарлиги ҳосиласидир.

Эътироф этиш керакки, мустақил тараққиёт йўли ҳеч бир мамлакатда равон, бир текисда кечмаган. Чунки дунёда ҳамон кичик давлатларнинг эркини чеклашга қаратилган, уни асоратда сақлашни кўзда тутувчи мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари бежиз давом эттирилмаяпти. Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи ўта муҳим ўрин тутади. Бунда бефарқлик, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айириб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимизга сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Минг шукрки, мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратилган.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда иркчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олиш керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолар қуршовида сайёра бўйлаб жиноятчилик кўлами ортиб бораётир. АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги нохуш манзаралар, айниқса, нафақат дунёвий, балки диний мактаб ва коллежларда ҳам тарбиячи-мураббийларнинг ўқувчиларни таҳқирлашлари, улар номусига тегиш, порнографик суратларнинг интернет сайтларига жойлаштирилиши билан боғлиқ можаролар маънавият мавзуининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам дунёдаги қатор мамлакатлар парламентлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилада ўзаро меҳр-оқибат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга мажбур бўлмоқдалар. Шундай бўлиши ҳам табиий.

Шу ўринда фан-техника тараққиёти том маънода дунёни торайтира бошлаганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бугун битта хонада ўтириб бир неча дақиқада бутун дунёга истаганча ахборот тарқатиш мумкин. Аммо ижтимоий ҳаётимизга кириб келадиган ҳар бир ижобий нарса ўз ортидан бир қатор салбий оқибатларни етаклаб келиши ҳам бор гап. Айни пайтда ахборот майдонида учта манфаат тўқнашди: ахборотни ишлаб чиқарувчилар, тарқатувчилар ва истеъмолчилар манфаати. Тарқатиш соҳасида қўлга киритилган тезкорлик имконияти, турган гапки, уни ишлаб чиқарганлар ва истеъмолчиларга ҳам таъсир этмай қолмайди. Бу вазият эса "ахборот хуружи" феноменини юзага келтирди. Дунёни ўргимчак тўридек ўраб олган интернет тармоғида турли хилдаги бузғунчи, террорчилик, порнографик сайтларнинг мавжудлиги эса ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Таъкидлаш жоиз: мана шундай иллатларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида олимлар ва таҳлилчиларнинг ўз қарашлари ва фикр-мулоҳазалари бор. Биринчидан, барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига мос келмайдиган турли бузғунчилик, ваҳшийлик, зўравонликлар тасвирга туширилган кинофильмлар, ОАВ ва интернет орқали тарғиб этилаётган "беҳаё саҳналар" жиноятчиликни хаспўшлашга хизмат қилаяпти, холос.

Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўлса, ўзининг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун керакли чораларни кўриши шарт. Чунки бундай ҳисдан бегона халқ, миллат охир-оқибат таназзулга учраши муқаррар.

Шукрки, юртимизда тўғри танланган йўл тинчлигимиз ва барқарорлигимиз гарови бўлиб қолмоқда. Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонгани алоҳида аҳамиятга молиқдир. Истиқлол йиллари юқори ўсиш суръатларига эришилгани, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий негизлари мустаҳкамлангани, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги ишончли қадамлар дунё жамоатчилиги, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаяпти.

Бу жараён Юртбошимизнинг мамлакат раҳбарлигига келиши, мустақилликни қўлга киритганмиздан кейин умрини ўтаб бўлган маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, жаҳонда "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлини танлаш билан бошланган эди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатлиги маълум.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда сўнгги йигирма икки йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсиши ва аҳолининг реал даромадлари қарийб 4 баробарни ташкил этгани, айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган улкан натижалар, хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробардан ортиқроққа кўпайгани "ўзбек модели" бежиз халқаро эътирофга сазовор бўлмаётганини англатади. Аҳоли турмуш даражасининг яхшиланганги натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробарга камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етгани ҳам Ўзбекистоннинг XXI асрдаги ривожланиш динамикасини янада яққолроқ намоён этаяпти. Дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари кескин тушиб кетган, ишсизлик энг катта муаммога айланган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги беш йилда 8 фоиздан ортиқни ташкил этиб, ҳар йили бир миллион атрофида янги иш ўрни ташкил этилаётгани, ривожланган мамлакатларда ташқи қарзлар кўпайиб бораётгани жиддий хавотир туғдираётганда эса Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмаётгани, давлат бюджети йилдан-йилга профицит билан бажарилаётгани миллий тараққиёт моделининг нақадар ҳаётбахшлиги ва барқарор тараққиётнинг бу борадаги асосий тамойилга айланганидан далолат беради.

А.САЙБНАЗАРОВ

Тошойна қаршисида

ҚАЛБ ГЎЗАЛМИ, ҲУСН?

Болалигимда бувижоним кўйлакларига қандайдир гиёҳларни тақиб, ҳамиша хушбўй ифор таратиб юрарди. Доим у кишининг қулоқларига райҳон қистирилган, қошларига ўсма, кўзларига сурма тортилган бўлар эди. Ҳали-ҳануз ўшандай ислар димоғимга урилса, энтикиб кетаман.

Саксонни қоралаб қолган Озода момодан бувимнинг ўша тақинчоқлари нима эканлигини сўрайман:

— Ҳа, бу ўзимизнинг қалампирмунчоқ-ку, — дейди онахон. Ёшлик чоғларимизда аёлларнинг кўпи уни тақиб юрарди. Ҳозир эса хотин-қизларимиз замонавий бўёқ анжомларию, атир-упаларга ружу қўйган. Уларнинг кўплигидан номларини ҳам билмайсан киши. Биргина ироқи совуннинг хили шунақа кўпки... Ҳозиргидай кўпирадиган шампунлар қаёқда дейсиз, сочларимизни доим қатиққа ювардик. Шу боисми улар соғлом, узун ва қалин бўларди.

Албатта, аёл зоти борки, барча замонларда ҳам гўзал, навқирон ва ёш кўринишга интилиб келган. Бинобарин, ясан-тусан тарихи узоқ даврларга бориб тақалиши аниқ. Хусусан, Шарқда косметиканинг ривожланишини Ислом маданиятининг кириб келиши билан боғлайдилар. Зотан, Ислом таълимоти инсонни покликка, тозаликка даъват этган. Расululлоҳ (с.а.в.)нинг дилбандлари Биби Фотимага берган ўгитлари ҳозирги замон қизлари учун ҳам ибрат бўла олади. "Қизим, ўзингни озода тут, вужудингни сув билан покла. Кўзларингга сурма қўй, чунки сурма аёлларга зийнатдир. Сочингга зайтун ёғидан сурт, зайтун ёғи суртган аёлга шайтон яқинлашмайди". Ҳадису шарифларда ҳам "Сочингизни тўғри парваришланг. Ҳар бир мусулмоннинг учта бурчи бор: жума куни ювиниш, мисвок тутиш ва атирлар билан хушбўй бўлишдир", дея таъкидланади.

Момоларимиз айтиб ўтганимиздек, бекорга сурма, ўсма ва шу каби табиий ўсимликлардан фойдаланишмаган. Негаки улар инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатган. Буюк аллома Абу Али Ибн Сино ҳам бу ҳақда шундай ёзади: "Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса, аёлларни чиройли қилади. Хинани етмак суви билан қўшиб, сочга чапланса, уни қизартиради. Қолаверса, у кўплаб дардларга шифо. Сурмадан фойдаланинг, чунки у киприк ўстирувчи, кўзга тушган гардни чиқариб ташловчи ва кўришнинг элагидир. Шунингдек, кўзнинг соғлиғини сақлайди. Инсон танаси унинг тановул қилаётган нарсаларига боғлиқ, одам қанчалик фойдали озуқаларни кўп қабул қилса, унинг вужуди шунчалик тетик бўлади".

Тиббий олимларнинг йўриғидан келиб чиққан ҳолда, ўтмишда Шарқ мамлакатларида аёллар ўзини гўзаллаштириш учун фақат ўсимлик ва гиёҳларга мурожаат қилган. Жумладан, Чин хоқонлиги хонимлари ўз навқиронликларини асраб қолиш учун ҳар куни юзларини икки марта табиий ипак толаси билан артишган. Замонавий олимларнинг тадқиқотига кўра, ипакни терига ишқаланиш пайтида тери ҳужайраларини фаоллаштирувчи электр заряди пайдо бўлар экан.

Миср фиръавнларининг кўзини бўяши эса косметикага алоқадор бўлмай, балки ёвуз руҳлардан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланган. Мисрда гўзаллик рамзи ҳақида гап кетганда, албатта, малика Клеопатра хусусида тўхталиб ўтадилар. Маликанинг ёши ўтгандан кейин ҳам гўзаллигини йўқотмаслик учун қилган амаллар ҳақидаги кўпгина маълумотлар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Гуллардаги эфир мойлари, доривор илдизлар, майдаланган зироворлар — буларнинг барчаси Миср аёлларининг ҳуснига янада жило берган. Римлик табиб Цельсий ўз китобида тери ва соч парваришига оид қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган. Унинг келтиришича, римликлар турли аралашмалардан моҳирона фойдаланиб, ажинлардан халос бўлган. Шунингдек, ясама тиш, қош ва киприкларнинг ҳам илк кўринишлари шу даврда юзага келган.

Косметологиянинг пайдо бўлиши тиббиёт билан узвий боғлиқ. Чунки табиблар гиёҳ-ўтларни ўрганиб, кимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда хушбўй ўсимликлардан атир моддаларини олишган. Илк бор улар дори дўконларида сотилган. Кейинчалик кишилик жамиятининг унга эҳтиёжи ортиши билан соҳа жадал тараққий этди.

Балки ишонмассиз, лекин Европада баланд пошнали туфлилар, корсет, юз бўёғи, чулкилар аслида эркакларники бўлган. Яна бир ғалати жиҳат, қадимги римликлар макияж(ниқоб) учун ўша даврда кўмир, асалари муми, ҳуснбузар тошганда - тухум, ун ва ёғли аралашмадан, тиш оқартиришда эса йўғиртош (пемза) дан фойдаланишган. Урфга қараб сочлар қора ёки бошқа ёрқин рангларга бўялган.

Косметика сўзи илк бор 1867 йил Париждаги атир ва совун маҳсулотларининг халқаро кўргазмасида қўлланилган. Кейинчалик бу маҳсулотлар биз "косметика саноати" деб атайдиган соҳа яратилишига сабаб бўлган. Ҳозирда нафақат ёшлар, балки ёши катталар ҳам замонавий ва хорижий атир-упалардан фойдаланади. Пули анча қиммат бўлса ҳам, машҳур, ном қозонган фирмаларникини ишлатгиси келади.

Бугун кўча-кўйда ўсмир ёшдаги қизларнинг юзларига турли упа-элликларни суришига ҳайрон қоласан киши. Ахир ёшликнинг ўзи табиий гўзаллик эмасми? Қарияларку ёшроқ кўринишга ҳаракат қилишади. Ҳали ўндан бир гули очилмаган бўй қизлар-чи? Шундай экан, билиб-билмай турли кимёвий моддаларни юзга суриш тўғрими? Кўп ҳолларда қизларнинг макияжу бўянишлари уларнинг ёшини анча катта кўрсатади. Тўғри, орасталик ва гўзалликка интилиш, безаниш хотин-қизларга Момоҳавомиздан мерос. Қолаверса, ташқи кўриниш — бу сурат, ваҳоланки, инсоннинг ички гўзаллигига, қараб баҳо берадилар. Ахир "Суратига қараб кутиб оладилар, муомаласига қараб кузатиб қўядилар", деб бежиз айтилмаган. Демак, ташқи чиройимизга маҳлиё бўлмай, ички дунёмизни, қалбимизни гўзаллаштирайлик, азизлар.

Жамилахон МУҲАММАДИЕВА,
журналист

Ризқ-рўзимиз

Милоддан 2000 йил муқаддам Мисрда новвойлик касби ниҳоятда эъзозланган. Қадимги Римда нон тайёрлашни биладиган қулларнинг нархи бошқаларига нисбатан 10 баробар қиммат турган. Юнонистондаги одатга кўра новвойларни катта лавозимларга тайинлашган. Қадимги Германияда новвойни ўлдирган жиноятчи бошқа одамни ўлдирганга қараганда қаттиқроқ жазоланган.

АБАДИЙ ЙЎЛДОШ

Тахминий ҳисобларга қараганда инсониятнинг абадий йўлдоши боннинг пайдо бўлганига 6000 йилдан ошди. Археологик қидиришлар риск-рўзимиз аждодларимиз бу азиз неъматни дастлаб турли хил ёнғоқлардан тайёрлаганини кўрсатади. Мазкур фикрнинг тўғрилигини ҳозирги кунда Австралиянинг марказий чўлларида ёввойи ҳолда яшайдиган маҳаллий қабилаларнинг нон тайёрлаш усули ҳам тасдиқлайди. Булар боннинг ихтиро қилинганига бир неча минг йиллар бўлганига қарамай, ҳанузгача ёввойи ёнғоқларни тош ёрдамида майдалаб, ундан нонга ўхшаш озуқа пишириб ейдилар. Бу қабилаларнинг аъзолари арпа, буғдой каби донли ўсимликлар нималигини ҳалигача билишмайди. Ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган ва деҳқончилик билан шуғулланган халқлар нон ёпишни биринчи бўлиб ихтиро қилганлар. Мисрда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда қадимдан арпа ва буғдой ишлатганлар. Улар арпа ва буғдойдан 30 га яқин турли хил нон маҳсулотларини тайёрлаганлар. Лекин улар нонни хамиртурушсиз тайёрлашгани учун нон қуруқ, қаттиқ ва мазасиз бўлган. Мисрликлар нон тайёрлашда хамиртурушдан тахминан милоддан аввалги 2000 йилнинг ўрталаридан фойдалана бошлашган.

Нон ҳақида сўз юритар эканмиз, донлар "подшоси" аталмиш буғдой тўғрисида ҳам қисқача тўхталмай бўлмайди. Буғдойнинг ватани инсониятнинг илк маданият ўчоқларидан бири Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидаги Месопотамия (ҳозирги Ироқ давлати жойлашган ҳудуд) ҳисобланади. Боннинг мазали бўлишида уннинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Ун таркибида бошқа овқат маҳсулотларидаги каби оқсил, ёғ, углевод, минерал тузлар, В1, В2 ва РР витаминлари ва озроқ А ва Е витаминлари бор. Лекин унда углеводлар (ёки крахмал моддаси) бошқа овқат маҳсулотларига қараганда кўп. Масалан, буғдой унининг 65-74 фоизи углеводдан иборат бўлиб, шундан ўртача 11 фоизини оқсиллар ташкил этади. Буғдой уни асосан глиадин ва глютелин оқсилларидан таркиб топган бўлиб, улар таркибида яна оз миқдорда крахмал, бириктирувчи тўқималар ва ёғ бор. Ушбу мураккаб оқсилли бирикма сув таъсирида букилиш хусусиятига эга бўлгани учун клейковина (ширадорлиги) деб аталади. Буғдой унининг сифати клейковинанинг камлиги ёки кўплиги билан белгиланади. Мазкур модда хамирниг ошиши(кўпчиши)да катта аҳамиятга эга. Клейковина биринчи ва иккинчи нав жайдари унда кўп бўлади.

Ун таркибидаги ёғ миқдори 2 фоиз. Ун навлари майин ва йирик тортилишига, кимёвий таркибига, минерал моддалар ва витаминлар миқдорига қараб белгиланади. Улар "крупчатка", "олий", "биринчи", "иккинчи" нав, "жайдари" дейилади. Минерал моддалар ва витаминлар асосан буғдойнинг қобиғида бўлади. Демак, ун таркибида кепак қанча кўп бўлса, унда фойдали моддалар шунчалик сероб. Масалан, кепаксиз тортилган унда бундай моддалар фақат 0,5, биринчи навли унда 0,75, иккинчи навли унда 1,25 фоизни ташкил этади. Жайдари, биринчи нав ундан тайёрланган нон таркибида оқсил бирмунча кўп бўлиб, унинг калорияси ҳам юқори. Бу нонларда РР витамини кўп, лекин B^1 ва B^2 витаминлари камроқ. Оби боннинг кимёвий таркиби булка нондан деярли фарқ қилмайди. Лекин оби боннинг хуштаъмлиги, асосан, новвойнинг маҳоратига бевосита боғлиқ.

Ана шундай катта тарихга эга бўлган бўрсилдоқ нонимиз ҳамон дастурхонимизни безаб, содиқ йўлдошимиз бўлиб келмоқда. Уни авайлаб увол қилмаслик инсоний бурчимиздир.

Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ

Мулоҳаза

ЗАМОН
тўхтаб турган одамники эмас

Метро. "Мустақиллик майдони" бекати. Кечки соат олтилар. Кўпчилик ишдан қайтаяпти. Шунинг учун ҳам одамларнинг кайфиятида бироз ҳорғинлик бордай туюлди менга. Аммо негадир қутиш учун мўлжалланган ўриндиқларда деярли ҳеч ким йўқ эди. Ҳамма тезроқ уйига бориш учун бўлса керак, метройўлнинг икки томонига турнақатор бўлиб турибмиз. Бундай соатга қарасам, охирги поезд кетганига эндигина бир дақиқа бўлибди, холос. "Сал кечикибман-да" дедим ичимда афсусланиб ва ўриндиқлар томонга юрдим. Бироздан кейин ёнимга яна икки одам келиб ўтирди.

– Бешта ўғлимни ҳам ўқитдим, – деди улардан бири иккинчисига юзланиб. Охиргисини ҳам олий маълумотли қилишим керак.

– Ўқиса яхши-да, албатта, – деди унинг ҳамроҳи. – Дипломи бўлади. Вақти келиб бирор бир "курси"ни эгаллайди.

– Ҳозир дипломинг бўлмаса ҳеч кимсан, – ғурурланиб гапида давом этди 6 фарзанднинг отаси. – Ҳаммадан тилинг қисиқ бўлади.

– Ҳмм – деб унинг гапларини маъқуллади ҳамроҳи.

Уларнинг гурунги энди қизиётган паллада Чилонзор йўналишидаги поезд бекатга келиб тўхтади. Мен унга ўтириб манзилимга равона бўлдим. Фақат уйга боргунча хаёлимда бир ўй тинмасдан чарх урди. Одамлар ҳалиям ўқишни диплом олиш деб тушунишади-я.

Яқинда ана шундай танишларимдан бири билан учрашиб қолдим. У ўғли билан гаплашиб турган экан. 45-50 ёшлардаги бу киши йигирма йиллар аввал Тошкент молия институтини тамомлаган эди. Аниқ ёдимда, негаки мен ўшада йили мактабда ўқирдим. Институтга ўқишга кирган одам жуда катта мавқеъга эга бўлиб туюларди. Бояги танишимнинг бир йил у ёқда, ярим йил бу ёқда ишлаб юрганларини эслайман. Орада ишни ташлаб шаҳардан дўкон ҳам очди. Ишлари ҳам юришиб кетгандек бўлувди. Аммо савдо дўконини юритиш осон эмас экан, шекилли, кўп ўтмай сотувчиликни ҳам йиғиштирди. Хорижга ишлаш учун жўнади. Ҳозиргача ўша ерда, порт шаҳарлардан бирида кема тузатувчиси экан.

– Институтни битирса, ўғлимни ҳам ўзим билан олиб кетаман, – деди у боласининг елкасига қоқиб. – Ота-бола ишлаймиз. Келганидан кейин яхшироқ бирор бир жойда ишласа, ишлар.

Йигитча бу гаплардан ғурурланиб илжайди. Аввал тиши кўринди, кейин эса кўзлари қисилди. Ҳа, дарвоқе, у қуйиб-қўйгандек отасининг ўзгинаси. Сочларининг тикка-тиккалиги, қулоқларининг катталиги-ю, қиррабурунлигигача. Юриш-туриши, гапириши, ҳаттоки, фикрлаши ҳам ота билан бир хил. Фақат орада 25 йил муддат бор, холос.

Аслида чорак аср тарих учун нима бўпти? Аммо тириклик учун битта умрнинг салмоқлигина қисми. Тасаввур қилиш учун мисол келтирамиз. Чорак аср олдин экилган дарахт ўз меваси-ни бериб, умрини деярли ўтаб бўлди. 25 йил илгари компьютернинг дастлабки авлодлари яратилган бўлса, бугун улар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Чорак аср муқаддам бошқа шаҳардаги қариндошингиз билан гаплашиш учун алоқа бўлимларида навбатда турган бўлсангиз, энди у билан қўшнингиз билин гаплашгандек дардлаша оласиз. Эҳ-ҳе, 25 йил ичида илм-фан ва техника қанчалар юксалиб кетди. Эндиликда инсоният биргина ерни эмас, коинотнинг бошқа сайёраларини ҳам тадқиқ этмоқда. Яратилаётган янги робот турлари инсон оғирини енгиллатишга хизмат қилаётир. Хуллас, ўтган 25 йил инсоннинг яшаш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Одамзоднинг онг-гу-шуурини ўстирди. Инчунун, биз юқорида санаб ўтган кашфиётлар, ижтимоий ҳаётда ўзига хос инқилоб ясаган ихтироларнинг барчаси одам боласининг ақлу заковати маҳсулидир.

Аммо...Танишим бир гапириб, бир боласининг елкасига қоқиб қўяр, мени эса бошқа бир савол, бошқа бир ўй қийнарди. Наҳотки, ҳаётда ўз йўлини топиш учун хорижга чиқиб ишлаб келишдан ўзга чора бўлмаса? Бир вақтлар отаси жавоб тополмаган бу савол олдида чорак асрдан кейин ўғил ҳам ожиз қолаётгани ачинарли эмасми? Наҳотки, дунёни ўзгартириб юборган ана шу муддат ўғилни отадан бошқачароқ фикрлашга ўргата олмаган бўлса? Ахир орадан оз эмас, кўп эмас 25 йил вақт ўтди-ку.

Энди тасаввур қилиб кўринг. От изини той босади деганларидек, кечагина институтни битирган бола отаси билан чет элга ишлашга кетди ҳам дейлик. Бу билан муаммонинг ечими топилиб қоладими? Боз устига, яна 25 йилдан кейин невара ота-бобосининг хатосини такрорламаслигига ким кафолат бера олади?

Ваҳоланки, ҳозир юртимизда ҳамма соҳада имкониятлар эшиги ланг очилган. Марҳамат, тадбиркорлик ёки ишбилармонлик қилинг, албатта давлат сизни қўллаб-қувватлайди. Шу боисдан ҳам айни пайтда мамлакатимизда минг-минглаб тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг олаётган даромадлари ҳам чакки эмас. Бугунги тадбиркорнинг иккита учталаб машинаси бор, ҳовли-жойи ҳавас қилса, арзигулик. Ўқитувчи ёки шифокормисиз, қурувчи ёки ҳунарманд бўласизми, фарқи йўқ. Энг муҳими, сизнинг касбингиз, ҳунарингиз бор. Хуллас, ишлайман деганга иш ўзимизда топилади. Ҳаммаси инсоннинг ўз қўлида. Бир сўз билан айтганда, ҳозир замон бир жойда тўхтаб қолмайдиган, янгиликка интилиб яшайдиган, астойдил ўзгаришни истайдиган ва аниқ мақсад йўлида тинмай ҳаракат қиладиган одамники. Чорак аср олдинги фикрлар билан яшайдиганлар эса ҳаттоки у олий маълумотли бўлса ҳам орқада қолиб кетаверади.

Юқорида метродаги отахоннинг гапларини нега келтирдим? Чунки 5 нафар ўғлини олий маълумотли қилган ўша одамнинг гапларини тез-тез эслайман. Ҳаттоки, унга ҳавасим ҳам келади. Ҳа, фарзандларини ўқитган ҳар қандай киши оғиз кўпиртириб мақтанишга ҳақли. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борда. Бугун олий ўқув юртини битираётган ўғил-қизларнинг нечтаси ҳақиқий мутахассису нечтаси фақат диплом учунгина ўқиган? Янгиликка интилиб яшайдиганлари қанча? Мустақил фикрлай оладиганлари неча фоиз? Биз учун масаланинг ана шу жиҳатлари муҳимроқ. Тўғри эмасми?

Ҳасан САЛОМОВ,
"Hurriyat" мухбири

Одоб хазинаси

АНДИШАНИНГ ОТИ...

Айрим одамлар чигалроқ масалада тортишиб қолганларида бир-бирларига инсоний муносабатлар доирасидан чиқиб кетаётганини ёдга солиш учун "Андишанинг отини қўрқоқ қўйманг" дейишади. Аслида андишанинг ўзи нима? Андиша қўрқоқлик ҳам, журъатсизлик ҳам эмас, балки ҳар бир ишнинг охирини ўйлаш, муносабатларга путур етмазмаслик, бировнинг юзига оёқ қўймаслик дегани. Зиёли, маданиятли кишилар жамоатчилик ўртасида андиша қилиб, одамни уялтирмаслик, мулзам этмаслик учун ҳар қандай гапни гапирмайдилар, агар гапириш зарур бўлиб қолса, обдон ўйлаб, сўнг айтадилар. Шунинг ўзи ақлини таниган одамга ўз ижобий таъсирини кўрсатади ва у бу гапдан хулоса чиқариб, хатосини тўғрилайди.

Халқимиз азалдан шарқона тарбия кўргани боис, эзгу фазилат ва миллий қадриятлар қон-қонимизга сингиб келган. Шу тариқа у маънавий мезонларга хос одоб-ахлоқ, комиллик сари етакловчи фазилатларни уйғотиб, ҳамиятимизни, ориимизни қўзғаб туради. Танимизга куч-қувват, қалбимизга ғурур бағишлайди. Бу туйғунинг номи андишадир. Шу боис, Шарқ оламида андиша инсонларни бир-бирига яқинлаштирган, уларни ака-ука, оға-ини, ёру-биродарларга айлантириб, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаган.

Беруний ҳазратлари бежиз "Биз бошқалар ақидасини камситмаган ҳолда ўз қарашларимизни ҳимоя қилишга ҳақлимиз ва шундай қилишга бурчлимиз" демаган. "Кулиб турган одамнинг олдида йиғлама, йиғлаб турган одамнинг олдида кулма", деган тушунчага ҳам ҳазрат Навоий бекорга кўп марта мурожаат этмаган:

"Умр ўтмакни андиша қил,
Давронга йўқдир меҳр бил.
Эй шоҳ, гадони кўзга ил,
Ким на гадо қолур, на шоҳ..."

Бу мисраларда шарқона қадриятлар нафаси, умрнинг ғаниматлиги ва бир кун келиб одамзоднинг тупроққа қайтиши фалсафий меъёр билан очиб берилади.

Ғарбда эса бунинг акси. Европача тарбия олганлар юзинг-кўзинг демайди. Кези келганда она-отасини, ўртоғини ёки яқинини ҳам аямайди, кўнглини оғритади. Ғарбда ғарбча шарттакилик ёхуд беҳаёликни оддий ҳол сифатида баҳолаш бизнинг менталитетимизга мутлақо ёт нарсадир. Аслида инсонни инсон қилган нарса унинг ибоси, яъни маънавиятидир. Маънавий баркамол бўлмаган одам нечоғли жанжалкаш, айтганини қилдирадиган бўлмасин барибир у заиф ҳисобланади. Зеро, маънавиятдан айро йўл инқироз йўлидир.

Энди бевосита Шарқ маънавий оламининг шоҳ томири бўлмиш одамгарчилик, андиша каби тушунчаларнинг ҳолатига бир қур назар солсак. Андиша сўзи кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини мутолаа қилганда адиб ўзбек халқининг ўзига хос хислат ва фазилатларини нақадар теран англагани, билгани ҳамда уларни ўз асарларида нозик тасвирлаб, адабиётимизни миллий қадриятларимиз ила янада гўзал оламга олиб киришига таҳсинлар ўқиймиз. Роман ибтидосида шундай манзара бор. Отабек қўнган карвонсаройга Зиё шоҳичининг ўғли Раҳмат ва Ҳомид кириб келади. Отабек уларни мамнуният билан қарши олади ва Ҳасаналига "баъзи юмушлар буюрсам, кўнглингизга олмайсизми?" дея мурожаат қилади. Ҳасанали "буюринг, бегим" дегач, Отабек ундан юмшоқина қилиб илтимос оҳангида чой қайнатиб келишини сўрайди. Ҳасанали чиқиб кетгач, меҳмонлар қизиқиб чолнинг унга кимлигини сўрайди. Отабек бу саволга уни ҳужрадан узоқлатиб секингина "қулимиз бўлади", дейди.

Бошқа миллий адабиётларда (ғарб адабиётида) шундай манзаралар тасвирланса, асар қаҳрамони ифтихор билан "бу менинг қулим!" дея баралла айтган бўлур эди. Отабек нега бундай қилмайди? Ахир унинг Ҳасанали олдида тили қисиқ жойи йўқ-ку! Бобоси бу қулни ўн беш тиллага сотиб олганку! Ёки Ҳасанали Юсуфбек ҳожи оиласининг аъзосидек бўлиб қолгани, ёши улуғлиги учунми? Муҳими шундаки, Отабекда ўзбекка хос фазилат — одоб ва андиша бор! Асар якунида яна бир шунга яқин ҳолат бор. Кумуш заҳарланган, жон талашиб ётибди. Отабек унинг ёнида. Келинининг қазоси етганини билган ва изтиробга тушган Юсуфбек ҳожи унинг олдига кириб қўлини Кумушнинг пешонасига босади. Жон бериши яқинлашаётганига қарамай, Кумуш қайнотасининг ҳурмати учун ўрнидан қўзғалмоқчи бўлади. Фожианинг сўнгги жумласини моҳир адибимиз шундай тасвирлайди: "Кумуш уялиб кўзини юмди..." Бу ўзбекона андиша эмасми?

Миллатимизда бўй етган қизларнинг она олдида, мўйлаби сабза урган йигитнинг ота олдида ички кийимда юриши, келиннинг қайнота-қайнона олдида овозини баландлатиб гапириши, куёвнинг қайнота олдида ичиб-чекиши беандишалик саналади. Ҳатто овқатланишдан тортиб, меҳмон кутишгача, кўчада юришдан то давраларда ўзимизни тутишимизгача андиша деган тушунчага асосланилган. Буларнинг барчаси донишманд халқимизнинг асрлар, минг йиллар давомида тўплаган одоб хазинаси эмасми?! Асрлар оша инсонларни бир-бирини қадрлашга даъват этиб келган, одамни одам бўлиб яшашга ўргатган айнан шу туйғу эмасми? Бу шундай хазинаки, Тангрининг онгли мавжудоти — инсон билан ўз нафсини қондириш йўлида бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр ҳайвонот ўртасида чегара борлигини муттасил эслатиб турди. Демак, шуни таъкидлаш мумкинки, андиша — инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган чегара (сарҳад), онгнинг бетакрор меваси, кўнгилни кўнгилларга улайдиган риштадир! Ва донишманд Шарқнинг бутун дунё олдида нақадар юксак ва баландда туришини кўрсатувчи, фақатгина Шарқ халқларига ато этилган бетакрор илоҳий неъматдир.

Токи шу андиша деган илоҳий тушунча бор экан, миллатимиз ўзининг бошқа миллатлар олдидаги яшовчанлигини, ўзига хослигини мангу сақлаб қола олади.

Марям АҲМЕДОВА

Анъана

Шеър — маънавиятдир



Таниқли шоир, файласуф, моҳир таржимон Абдулла Шер узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг нуфузли нашрларида хизмат қилиб суяги қотган ижодкорлардан. У бир муддат ЎзМУ талабаларига фалсафа фанидан сабоқ берди. Соҳага оид ўқув қўлланмалари ёзиб, амалиётга жорий этди. Анъанамизга кўра таҳририятимизга меҳмон бўлиб келган ижодкор билан маънавият тарбияси, газета ва журналларнинг оммавийлигини ошириш, сифатли таҳрир каби журналистика сирлари борасида суҳбатлашдик.

Шоир газетачилик масъулияти, журналист савияси, нашр учун тайёрланаётган материалларнинг пишиқ-пухталигини таъминлашда ижодкордан талаб этиладиган билим, кузатувчанлик, хушёрлик хислатлари ҳақида, маънавиятнинг бош бўғини ҳисобланган шеъриятимизнинг улуғ ўтмиши, навқирон бугуни ва ёрқин эртаси ҳақида гапириб, жумладан: "Шеърият бу, аввало, маънавиятдир. Ундан инсон кўнгли озиқ олади. Шеърга ошно кўнгилларда эса ёвуз туйғулар унмайди. Шеъриятни севиш керак. Усиз маънавият кўзгусини чанг, ғубор босади. Инсон ҳаётнинг беқиёс гўзалликларини идрок этолмайди. Руҳиятим соғлом, маънавиятим беғубор бўлсин десангиз, албатта, шеъриятга мурожаат қилиб "туринг" деган фикрларни билдирди. Шоир ҳақ. Шеър — маънавиятдир. Зеро эшитиб, ақлимизни таниганимиз — онамиз алласи ҳам шеър, қалбни оҳорловчи мўъжиза бўлган.

Жим тинглайди қуёшни дунё

СЕВГИ ДУНЁСИ

На гўзалдир севги дунёси!
Йўқдир унинг сира қиёси.
Бугун, эрта - қай замон, қай вақт
Ул дунёда яшаш ўзи бахт.

«Сим-сим» бўлиб иккала жисм,
Ҳар лаҳзада очади тилсим.
Гоҳ унутар исмлар ўзни,
Лаблар - тилни, тил эса - сўзни.

Ғижим чойшаб - мавжланган дарё,
Ишқ қайиғи сузар дилкушо.
Шунда илк бор биларки қўллар:
Силаш учун яралмиш улар.

Бўса чақнар, ёнар қучоқлар...
Унутилмас сира у чоқлар.
На гўзалдир севги дунёси!
Йўқдир унинг сира қиёси.

* * *

Ёмғирдан сўнг кўм-кўк майсалар
Мисра сўраб сўлкинар, бироқ
Келавермай шеърим пайсаллар,
Ҳис — қуёш-у, сўз эса - чироқ.

Унда тутиб кўклам баридан,
Илҳом кетар тоғларга чопиб.
Равочларнинг ораларидан
Ташбеҳларни олади топиб.

Мовий кўкка келиб ҳаваси
Бир гиёҳдек шеър ўса бошлар.
Тегади-ю ёмғир нафаси,
Ярақлайди ювинган тошлар.

Жаранглайди осмон, қуёш ҳам
Оҳанг бўлиб туроқларимда.
Қанот пайдо қилар-у қалам,
Қушман дейди бармоқларимда.

Дафтаримда унган лолага
Суқланади уйғонган тоғлар.
Айланар-у юрак болага,
Она юртни маҳкам қучоқлар.

САРАТОН

Сув бўйида тол оғочлари
Ҳароратдан турар бош эгиб.
Қуёшнинг қўнғироқ сочлари
Жаранглайди уларга тегиб.

Қушлар ҳам жим, япроқлар ҳам жим,
Унутгандек бари куйини.
Кўз илғамас ҳовурдан ер дим,
Фарқлаб бўлмас гуллар бўйини.

Ялпизлардан ранг олар гўё
Ҳароратдан оқарган осмон.
Жим тинглайди қуёшни дунё,
Фақат тиним билмайди инсон.

* * *

Бир қўлимда асо, бир қўлимда гул,
Завқланиб яшайман дунёда ҳамон.
Пиёда бўлсам ҳам етовда Дулдул,
Олдимда орзулар, ортимда армон.

Гарчанд жунжитса ҳам туннинг салқини,
Умримни иситар осмоний сўзлар:
«Ким кўкка кўтарса агар халқини,
Уни шарафлагай мангу юлдузлар».

Ернинг олқишига сазовор эрур
Агар ким осмонни дўст тутса шундай.
Қуёш бўлмаса ҳам, у бир парча нур,
Она-Ер устидан сочилиб тургай.

Абдулла ШЕР

Китобингиз муборак бўлсин

Яхши шоир қоғоз қаршисида фариштага айланади. Қўлига қалам олганда, юрагига олов тушганда, руҳиятининг асов туғёнлари, саркаш тўфонлари, бетизгин ғалаёнлари-ю, гуноҳу савобларини ҳам бетаҳрир ёзаверади. Шу боис асл шеър шоир қалбидан чиқиб, бутун инсониятнинг мулкига айланади. Зотан, унда тоза муҳаббат, бемисл дард, тушовсиз қалб туғёни бор. Яна соат ва тақвимларга қараб яшайдиган ботартиб ақлга қарши бетоқат исён бор унда.

КЎНГИЛ СИЛСИЛАСИ

Таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг «O'zbekiston» нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Ўтли руҳ» номли шеърий китобини ўқир экансиз, инжа туйғулар, нозик кузатувлар, турмуш фалсафалари самимий акслланган мисралар беихтиёр қалбингизга кўча бошлайди. Шоир шеърларида муҳаббат, ҳаёт, табиат манзаралари бетакрор чизгиларда намоён бўлганки, ҳар бир сатр онгу шуурингизга, юрагингизга таъсир этмай қолмайди. Унда сўзлар осмондан тушмаган, фикрлар ҳавойи, услуб баландпарвоз эмас. Сизу бизга таниш, самимий, кўнгилга яқин. Айниқса, ўринли ташбеҳлар, гўзал истиоралар шеърхон юрагининг тубтубидаги мусаффо туйғуларни-да ларзага солади:

Кипригинг остида титрайди жоним,
Сочларинг толаси ёндирар чўғдек.
Сўнгги дам интиқиб толди армоним,
Маҳв этдинг борлиғим бешафқат ўқдек.

Шоир она табиат, фасллар жилоси ҳақида ёзаркан, мисралар замирига ҳаёт фалсафасини, умр ҳикматларини яширади. Тафаккури кенг, зукко шеърхон унинг коса тагига қўйган нимкосасини дарров англайди. Англаган сайин эса ижодкорнинг синчков кузатувчилигию маҳоратли қалам соҳиби эканлигига яна бир бор амин бўлади:

Қилич каби аёз силкинди,
Боғлар узра солди тўполон.
Тоғу тошда сиқтаб юлқинди,
Гўё ўзи сўнгги қаҳрамон...

Ёз фаслининг тароватини куйларкан шоир ўзининг, руҳиятининг туғёнларини ҳам табиат манзараларига уйғунлаштириб юборади:

Ҳамма ёқ заъфарон бўёқда,
Кўзларинг қамашар, адашиб.
Энди биз борамиз қаёққа,
Сап-сариқ дунёга қалашиб...

Ҳар бир улуғ ижодкор, хоҳ ватандошимиз, хоҳ жаҳон адабиёти вакиллари бўлсин, асар ёзиш жараёнида маълум бир сўзлардан ботбот фойдаланади. Бу сўзлар балки унинг қалбига яқиндир, балки ижод жараёнида унга кўп бора мурожаат қилганини ўзи ҳам билмас. Ҳар тугул, бу ҳолат ҳеч бир шоирга бегона эмас. Инчунун, буни Ўткир Раҳмат шеърларида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, «Ўтли руҳ» китобида ой, қуш, офтоб, олма, дарахт сўзлари кўпроқ учрайди. Биргина олма сўзидан тўққиз ўринда фойдаланилган. У лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, ҳолатини янада чуқурроқ ифодалашга хизмат қилган:



Вақт тўхтамас, барибир ҳоким,
Ғазаби ҳеч қолмас босилиб.
Ранги рўйи сарғайганча жим,
Кўз тикади олма осилиб.

«Дунё кенглигига сиғмайди кўнгил», «Сачраб оқар туйғулар ҳатто», «Олисда милтиллар қуёш гулхани», «Қичқиради тонгнинг кўзлари» каби тўрт бўлимга бўлинган шеърий тўпламдан «Боғ сувратлари» ва «Йигирма сония» номли туркумлар ҳам ўрин олган. Айниқса, «Руҳ билан ёлғиз» сарлавҳали шеъри жуда самимий ва беғубор туйғулар инъикосидир:

Офтоб-офтоб найзангни урма,
Раҳм айла,
Чўққларга қўмма,
Олма берса, заҳрингни сурма,
Акасиман, мунис дилим-а,
Кўнгли осмон бўлган синглим-а!

Ўйлаймизки, таниқли шоир Ўткир Раҳмат қаламига мансуб «Ўтли руҳ»нинг силсиласи китобхон кўнглига эниб боради ва узоқ вақт унинг дил мулкига айланиб қолади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

Бизга жавоб ёзадилар

Хабарингиз бор, газетамизнинг 2013 йил, 5 июнь сонида «Саводсиз қаламкаш ва нўноқ нощир ҳақида бор гаплар» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Журналист Барди Жуманиёзов муаллифлигида эълон қилинган ушбу материал носир ва ноширларимизни бир қадар сергак торттирди, десак муболаға бўлмас. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга Хоразм вилояти матбуот ва ахборот бошқармасидан келган жавоб хати мамлакатимиздаги барча нашриёт ходимларини ўз ишларига масъулият билан ёндашишга, уларни омма маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган китоблар чоп этишга чорлайди, деган умидда хатнинг мавзуга тегишли қисмини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб билдик.

ТАҲРИРИЯТ

«Аввало, «Hurriyat» газетаси кенг қамровлиги, ўқишлиги, айниқса, журналистларни соҳа янгиликлари билан таништириб бориши, муаммолар ечимини топишдаги тажрибаларни мунтазам ёритиши билан қадрли. Шунингдек, чет эл матбуоти тарихи ва тажрибаси, «Маънавият дарғалари», «Қадриятларимиз», «Жараён», «Инсон манзаралари» рукнлари остида берилаётган мақолалар кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлмоқда.

Газетанинг 2013 йил 5 июнь сонида «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» рукни остида журналист Барди Жуманиёзов муаллифлигида эълон қилинган «Саводсиз қаламкаш ва нўноқ нощир ҳақида бор гаплар» сарлавҳали мақоласи Хоразм вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси ва «Хоразм» нашриёти жамоасининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам «Хоразм» нашриёти масъул ходимларининг эътиборсизлиги сабаб жиддий хатоларга йўл қўйилган. Касб одоби талаб қилгандек, муаллиф асарида келтирилган фактларнинг тўғри ва холислиги ўрганилмаган. Ана шунинг оқибатида мақолада келтирилган камчиликларга йўл қўйилган.

Бошқарма аппарати ва «Хоразм» нашриёти ходимлари ушбу танқиддан тўғри хулосалар чиқариб, кейинги фаолиятда бу каби хатоларга йўл қўймаслик чораларини белгиладилар. Шу пайтгача нашриёт фаолиятида бундай хатоларга йўл қўйилмаганлиги эътиборга олиниб, нашриёт директори С.Бердиевага хайфсан эълон қилинди. Унга нашриёт томонидан ўқиладиган китобларни чоп қилиш орқали аҳоли ва айниқса, болалар адабиётига бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш, ходимлар малакасини ошириш, шунингдек, нашриёт имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ишга малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш вазифалари топширилди.

Газета таҳририятининг ижодий жамоаси бизни тўғри тушунади ва янада сергак, хушёр бўлишга ундайди. Бундан кейин ҳам таҳририят биз билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди, деган умиддамиз.

Ҳурмат билан,
Бошқарма бошлиғи (имзо) Д.Бекчонова».

Эҳтиром

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг нафақат иш фаолияти, балки ҳаёт йўллари, қилган ҳар бир амаллари ҳам ибратдир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ғафур Ғулом Уй-музейи директори Олмос опа Аҳмедованинг ҳаёт йўли меҳнат ва ёзувчилик фаолияти биз ёшлар учун ўзига хос сабоқ мактабидир.

ИБРАТ

Талабалик йилларидаёқ ижодий фаолиятини бошлаган Олмос опа бугунги кунда юзлаб публицистик ва бадиий мақола, хотира ва ҳажвий ҳикоя, ўнлаб тўпламларнинг муаллифи, болалар ёзувчиси сифатида эътироф этилган ижодкордир. Мана ўттиз йилдирки Ғафур Ғулом уй музейига бошчилик қилиб келадилар, эл эъзозлаган, жаҳон тан олган ёзувчи падари бузруквори Ғафур Ғулом хотирасини ҳам тадқиқотчи, ҳам ёзувчи, ҳам музей ходими, ҳам фарзанди сифатида абадийлаштириш, адибнинг улкан меросини асраб-авайлаб, авлоддан авлодга етказишда, халқ орасида сақланиб қолган Ғафур Ғуломга тегишли қўлёзма, фотосуратларни тўплаб уй музейи фондини бойишига, тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Олмос опа ҳаётни севиш, яшашга бўлган интилиш, келажакка бўлган ишонч, аждодлар хотирасига юксак эҳтиром ва ҳурмат билан қараш, атрофдагиларга бағрикенглик қилиш, ўз ишига садоқат ва меҳр билан ёндашиш, илм олиш ва изланишдан чарчамаслик каби ўзларидаги хислатларни бизга юқтириб келмоқдалар.

Дилафрўз ЖАЛИЛОВА,
Юлдуз МАНСУРОВА
Ғафур Ғулом уй музейи ходимлари

БАЁН ЭТДИМ ТУЙҒУЛАРИМНИ...



Туйғулар — кўнгил таржимони. Улар ичичимизда кечаётган туғёнларни жунбушга келтиради. Ана шунда қалбдаги оташ ҳовурини босмоқлик пайида рассом расм чизади, шоир шеър ёзади...

Туроб Ниёзнинг шу пайтгача чоп этилган "Муҳаббат осмони", "Гуллаган боғлар", "Очиқ юрак", "Кўнгилга мурожаат" каби шеърий китобларини ана шундай ҳовурлар ҳосиласи дейиш мумкин. Шоирнинг китобхонларга аталган навбатдаги тухфаси "Уммон томчилари" деб аталди. Унда ижодкорнинг бир неча йиллар мобайнида ёзилган 1011 та тўртлиги жамланган. Бу тўртликлар турли мавзуларда битилган. Уларда инсон қалбига таниш ва нотаниш туйғулар оҳорли мисралар воситасида акс этади. Дўстлик, ватанпарварлик, соғинч, сахийлик сингари олижаноб қадриятлар улуғланади. Шунингдек, муҳаббат, яхшилик ва эзгуликнинг боқийлиги, ёмонликнинг умри қисқалиги содда, самимий тилда таъкидланади.

Вақт қадри, она тилига чексиз ҳурмат, шоирлик дарди, ошиқ кечинмалари "Уммон томчилари" моҳиятини қамраб оладики, уларнинг аксари халқ оҳангида ёзилган:

Теракнинг сояси йўқ,
Барги бор, пояси йўқ.
Юрагимда ишқ дарди,
Наҳот бир чораси йўқ?!

Туроб Ниёз тўртликлари мутолаасига чоғланар экансиз, беихтиёр Эркин Воҳидовнинг "...шоир одам ўзини тўрт сатрда кўрсатур" деган мисралари ёдга келади. Гарчанд шоир тўртликларининг барчасини мазкур ибора остида бирлаштира олиш қийин бўлса-да, унинг кузатувчан, синчков зеҳн эгаси эканини инкор этолмаймиз. Хусусан, Туроб Ниёз тўртликларидан бирида меъёр тўғрисида бундай ёзади:

Тошни силлиқ қилди сув юваверib,
Кийикни оздирди шер қуваверib,
Ҳар нининг меъёри бўлгани яхши,
Ичагини узди у қулаверib.

Мисраларнинг аксарида ташбеҳ, истиора сингари бадиий тасвир воситаларидан топиб ва ўрнида фойдаланилганидан эл суйган шоир Эркин Воҳидовнинг шеър хусусидаги "башорати" Туроб Ниёз мисолида ҳам ўз тасдиғини топади. "Ёш бургут лочинни қувиб ўтгандай, Баъзида бир тўртлик достонга татир", дейди шоир. Одатда, назм ва насрда, умуман, ижодда бошқа қаламкашлардан ўтказиб бирор сўз айтилиши кутилади. Борди-ю, ана шу сўз ҳар сафар тишга урилаётган бўлса, уларнинг кенглиги ҳам муштдек юракча келади. Ваҳоланки, кўнгилда кечаётган туйғулар юрак тубидан отилиб чиқсагина ўзга юраклардан қўним топади.

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
"Hurriyat" мухбири

Кинопанорама

ЎЗБЕК «ПАРИЗОД»И ХИТОЙДА

Жорий йилнинг 20 июнь куни Шанхайда бўлиб ўтган XXVI халқаро кинофестивалда Аюб Шаҳобиддиновнинг "Паризод" кинокартинаси фестиваль дастуридан ташқари панорама шўъбасида ахборий мақсадда намойиш этилди. Шанхай кинофестивали директори Кан Е Юйнинг айтишича, ушбу фильм кинотанқидчилар ва ҳакамлар томонидан биринчилардан бўлиб тилга олинган. Мазкур фильмнинг халқаро миқёсда тан олиниши ўзбек киносининг тўғри йўлдан бораётганини ҳамда муаллифлик фильмлари муваффақиятга эришаётганини англатади.



Мазкур фестивалга ташриф буюрган Голливуд, Осиё, Россия ва Европанинг машҳур кинорежиссёрлари ҳам ушбу намойишни муваффақиятли фильм, дея тан олишди. Ушбу фильм премьерасида Оливер Стоун (АҚШ), ҳайъат аъзоларидан британиялик Топ Хопер, германиялик Крис Краус, чехиялик Иржи Менцель, Франциядан Мишель Симан, эронлик Хосро Мусуми ва бошқа кўплаб режиссёрлар, актёрлар қатнашдилар.

Шанхай университети қошидаги илмий тадқиқот маркази гуруҳ раҳбари Чжан Данхуанинг таъкидлашича, "Паризод" фильми инсонни чуқур мулоҳазага ундайди. Катта меҳнат маҳсули бўлмиш бундай фильмлар бошқа давлатлар кинематографиясида ҳам кўпроқ бўлиши, шу билан бирга ўзбек сериалларини Шанхай телевидениелари орқали халққа кўрсатиш керак. Бундай намойишлар оддий хитойлик томошабинларда Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, уларда республиканинг сайёҳлик жойлари билан танишиш имконияти пайдо бўлади, дея фикрини якунлади Чжан Данхуа.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ

Тараққиёт робиталарида

«Қизил сайёра»дан дараклар

Илгарироқ хабар берганимиз, сайёра сатҳидан бурғулаб олинган намуналар қадимда Миррихда яшаш учун шароит бўлганини аниқлаган эди. Бироқ ўз олдига – Марсда қачондир ҳаёт бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш; Марс иқлими тўғрисида батафсил маълумот тўплаш; "Қизил сайёра" геологияси ҳақида тўлиқ ахборот йиғиш ҳамда Марсга инсон қадамини етказишга тайёргарлик кўришни мақсад қилган «Curiosity» Миррихда кундан кун бир-биридан қизиқ кашфиётлар қилмоқда. Бундай янгиликлар сиз, азиз муштарийларимиз учун ҳам қизиқарли, албатта.

Яшаш учун яроқли

НАСА расмий сайти хабар беришича, "Қизил сайёра"дан олинган намуналарнинг илк кимёвий таҳлили Марс қачонлардир яшаш учун «яроқли» бўлганини кўрсатмоқда. Бурғулаш натижасида олинган намунада олтингугурт, азот, водород, кислород, фосфор ва углерод топилган. Бу мазкур сайёрада сув ва ҳаёт мавжуд бўлганига ишорадир. НАСА мутахассисларининг фикрича, айни пайтда тажрибалар олиб борилаётган ҳудуд ўрнида чучук сувли кўл мавжуд бўлган. Аммо у қаерга, качон ва қандай тарзда йўқолгани ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.

Яқинда физика-математика фанлари доктори, Россия космик тадқиқотлар институтининг лаборатория мудири, Игорь Митрофанов Итар-ТАСС мухбирига сўнгги таҳлиллар ва уларнинг натижаси юзасидан интервью берди: "Тўғри, таҳлиллар қадимда сайёрада ибтидоий ҳаёт бўлганини кўрсатди. Аммо бу Марсда ҳаёт борлигини исботлай олмайди".

Олимнинг фикрига кўра, «Curiosity» томонидан топилган кимёвий моддаларга асосланиб, сайёранинг кимёвий хусусиятлари ҳаёт пайдо бўлиши учун қулай бўлган, деган тахминга бориш мумкин. Чунки узоқ ўтмишда "Қизил сайёра"да илиқ атмосфера мавжуд бўлгани боис, кўллар жилваланган, дарёлар оққан. Аммо юзага келган табиий офатлар натижасида ушбу сайёрада иқлим кескин ўзгариб кетган бўлиши мумкин.

— Қизил сайёра жуда катта астероид билан тўқнашган, деган эҳтимол ҳам бор, — дейди И. Митрофанов. — Натижада Марс деярли барча нарсасини — кучли магнит майдони, кенг атмосферасини йўқотган. Офат натижасида суткалик ва мавсумий ҳарорат ўзгаришлари кўпайган. Ҳаво ҳам совиган ва қуруқлашган.

Олим ҳозир Миррихда ҳаёт пайдо бўлишига шубҳа билан қарайди. Шу билан бир қаторда бу фаразни бутунлай рад этмаслигини ҳам таъкидлайди. Итар-ТАСС мухбирининг «Сайёрада ҳаёт нишоналарини топишга имкониятлар борми ва бунинг учун нималар қилиш керак?» деган саволига тадқиқотчи олим шундай жавоб беради: "Аввало, янги ҳудудларни тадқиқ қилиш керак. Гейл кратеридан ташқари бошқа жойларда ҳам изланишлар олиб бориш лозим. Агар сайёрадан мураккаб органик молекулалар топилса, у ерда ҳаёт мавжуд бўлгани сўзсиз исботланади. Афсуски, ҳозирча ушбу аломатлар кузатилмаяпти". Митрофанов Марсга қаратилган лойиҳалардан бири НДА (нейтронларнинг динамик альбедоси) нинг илмий раҳбари ҳисобланади. Шу номдаги нейтрон детектор айни дамда марсаход бортида ишламоқда. Унинг ёрдамида олимлар Марс сатҳидаги сув ва таркибида водород мавжуд бўлган бирикмаларни ўлчашмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозир кема турган ҳудуд аллақачон Россия детектори билан бутунлай ўрганилган. Лекин айни кунда унинг ишида танаффус эълон қилинган. «Curiosity» яна бошқа ҳудудга ҳаракат қилса, узлуксиз сатҳни ўрганиб, намроқ жойни аниқлаши мумкин.

«Қизил сайёра» атмосфераси хавф остида

Олимлар Марс атмосферасидаги енгил газ миқдорининг камайиши натижасида сайёра атмосфераси йўқолгани ҳақида тахмин қилишаётган эди. Сушил Атрея (Sushil Atreya) номли Марсни тадқиқот лабораторияси илмий гуруҳи апрель ойида ушбу тахминнинг ҳақиқат эканини исботлади. Атреяда намуналарни таҳлил қилувчи ҳамда қурилмаларни бошқарувчи биргина оператор бўлган. У сайёра атмосферасининг бирданига эмас, балки секин-асталик билан йўқолганини таъкидлади. Буни далиллар билан исботлади ҳам. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, енгил газлар Марс атмосферасининг юқори қатламига учиб кетган.

Текширувлар жараёнида тадқиқотчилар атмосфера таркибини ҳам таҳлил қилишди. Ўрганишларнинг сифати юқори бўлиши учун аргон гази изотоплар (бир кимёвий элементнинг атом оғирлигига қараб бир-биридан фарқ қиладиган кўринишлари)ини танлаб олдилар. Айни вақтда сайёра атмосфераси аргон-36 га нисбатан 4 баробар енгил, аргон-38 дан эса 4 баробар оғирлиги айтилмоқда. Демак, юқоридаги маълумотлар ушбу сайёрадаги кўрсаткичлар дастлабкисидан анча пасайиб кетаётганини кўрсатади. Натижалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, биринчи навбатда сайёра ўз изотопларини осонгина кўп миқдорда йўқотаяпти.

Марсда ҳам ҳаёт бўлганми?

Ровер Марсга қўнганидан икки ой ўтиб илк катта кашфиётни амалга оширди. Аппарат қуриб қолган сой ўзанини топди. Аввалги қурилмалар ҳам Марсда бундай ўзанлар борлигини аниқлашган, бироқ айнан «Curiosity» ҳақиқий шағални топишга муваффақ бўлди. Марс шағали Ерникидан деярли фарқ қилмасди. Олимлар шағалга қараб, сойдаги сувнинг тезлиги қандай бўлганини ҳам тахмин қилишди: Марсда сув сониясига бир метр тезликда оққан.

Октябрь бошида «Curiosity» жамоаси «Жейк Матиевич» деб номланган тош устида илмий тадқиқот бошлади. Унча катта бўлмаган бу чағиртошни қурилма бирданига икки ускуна – ChemCam ва APXS ёрдамида ўрганди. ChemCam – ровернинг барча эътиборга молик қурилмалари орасида энг замонавий ва тасаввурда фантастик таассурот уйғотадиган ускуна ҳисобланади: у лазер нури билан тоғ жинсининг бир бўлагини парчалайди ва ҳосил бўлган буғланиш ҳисобига жинснинг кимёвий таркибини аниқлайди. APXS эса альфа-зарралари ёрдамида минералнинг таркибини батафсил ўрганиб чиқади. Шундай қилиб, «Жейк» қизиқарли объект бўлиб чиқди – у асосан дала шпати (силикатлар жинсига мансуб минерал)дан ташкил топган бўлиб, таркибида кам миқдорда магний ва темир бор эди. Марс тошидаги бу хусусиятларни «Curiosity»дан олдин учирилган «Spirit» ҳам, «Opportunity» ҳам топа олмаганди. Сабаби улар ҳозиргидек замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмаган эди.



«Curiosity»нинг кейинги муҳим қадами рентген-тузилмавий CheMin спектрометри ёрдамида Марснинг чангдан ташкил топган тупроқ қатламини тадқиқ этиш бўлди. Ушбу ускуна минералларни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, у нафақат кимёвий таркиб ҳақида, балки кристалл тузилиши ҳақида ҳам маълумот беради. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тупроқ таркибининг тенг ярми аморфли вулқон қумларидан ташкил топгани, қолган ярми кристаллашган вулқон жинсларининг нураши маҳсули – дала шпати, пироксен ва оливиндан иборат эканлигини кўрсатди. Бундай тупроқ Ернинг Гавайи оролларидаги вулқон жинслари таркибига айнан ўхшаш.

Ҳозир Марснинг қолдиқ атмосфераси фаоллик кўрсатмоқда, ойкезар (марсаход) асбоблари эса у ҳақдаги маълумотларни қайд этиб бормоқда. Марсаход атрофини ўраб олган мониторинг станцияси аппарат алоқа йўлагидаги турли-туман нуқталарда намлик билан боғлиқ муҳим ўзгаришларни аниқлади. Марсаход ўлчаган босим, ҳарорат ва шамол тебранишлари, "Қизил сайёра" устида айланаётган «ҳаво» Марсда ҳаёт мавжудлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шундай қилиб, «Curiosity» ўз олдидаги энг асосий мақсади – Марсда қачондир ҳаёт бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Марсда қачондир ҳатто ичишга яроқли сув бўлгани, унда эса худди Ердагига ўхшаш микроорганизмлар яшаган бўлиши эҳтимоли жуда катта эканлиги исботлаб берилди.

Апрель ойида НАСА 900 га яқин суратлардан иборат Марснинг гигапикселли намойишини чоп этди. Намойишнинг асл нусхасини НАСАнинг махсус саҳифасида кўриш, унинг электрон версиясини эса JPL лабораторияси сайтидан юклаб олиш мумкин. Фотосуратларнинг аксарияти Mastcamнинг узун фокусли камерасидан қабул қилиб олинган. 25 та қўшимча оқ-қора тасвирларни эса Navcam камераси суратга олган. Фотосуратларда сайёра юзасидаги яқин ҳудудлар турли хил ёруғликда турлича кўринишда акс этган.

Кўзга ташланаётган ғайриоддий объектлар

HiRISE юқори сифатли камера объективи Nili Fossae ҳудудида ҳаракатланган қизиқ бир жисмни топди. MRO станциясидан Ерга юборилган ушбу тасвирлар ҳозирда НАСА мутахассислари томонидан ўрганилмоқда.

Ажабтовур ушбу объект Марс сатҳида 20 метрга яқин диаметр кенгликда ҳаракатланиши натижасида ўзидан чуқур ва ғайриоддий из қолдирган, деб ёзади «Комсомольская правда» газетаси.

Ажабланарлиси, ўша ҳудудда йирик тошлар ҳаракати кузатилган. Фил Плейтнинг таъкидлашича, тошлар тиккага қараб эмас, балки қиялик бўйлаб думалаган. Аммо нега айнан йирик тошлар юмалагани ҳали ҳам номаълум.

Ўрганувчилар ҳанузгача жумбоқли объектнинг қандай қилиб "Қизил сайёра" сатҳига тоза излар қолдирганини тушуна олишмаяпти. Агар тасвирлар ўлчами катта қилиб кўрилса, ҳосил бўлган узун излар узуқ-юлуқ тузилишга эгалигининг гувоҳи бўлиш мумкин. НАСА ҳозирча ушбу кўриниш тўғрисида ҳам изоҳ бермаган. Улар фақат Nili Fossae ҳудудининг гилли қатламга бойлиги узоқ ўтмишда у ерда сув мавжуд бўлганини тасдиқлашини таъкидлашмоқда.

Марсдан олинган суратлардан биринчи бўлиб изларни пайқаган америкалик тадқиқотчи Жозеф Скипперинг айтишича, камера объективи сирли бир релси осма йўлни эслатадиган транспорт тизимини топган. Шундан келиб чиқиб изларни тўғрибурчакли объектга тегишли дейиш мумкин. Уфологларнинг варианти бўйича эса, сайёрадаги изларни номаълум тирик мавжудот қолдирган бўлиши мумкин.

Шунга ўхшаш «ҳаракатчан тошлар» Ойда ҳам кузатилган. Ундаги тасвирларни Ойдаги орбита — LROC орқали Ерда қабул қилишган. Экспертлар аниқ бир фикр айта олишмаяпти, лекин излар 50-100 миллион йил олдин қолган деган тахминни қилишяпти. Ойдаги йирик тошлар диаметри 9 метр деб баҳоланмоқда.

Парвоз режаси

«Curiosity»га ўрнатилган бир қатор ускуналар келажакда амалга оширилиши режалаштирилаётган – одамларни Марсга учириш бўйича лойиҳаларда нималарни ҳисобга олиш кераклигини ҳам кўрсатиб берди. Жумладан, RAD (радиацияни баҳолаш детектори) тақдим этган маълумотлар 2012 йил августидан бошлаб саккиз ой давомида таҳлил қилинди. 2013 йил май ойи охирида «Science» журналида чоп этилган таҳлил натижаларига кўра, ҳозирги ҳолатда Марсга парвоз қилувчи кишилар саёҳат давомида ҳаётга хавф соладиган миқдорда космик нурланишни қабул қилиши мумкин. Шу сабаб, космик кемалар бортида радиациядан сақловчи махсус «бошпана»лар жойлаштириш ёки парвоз вақтини қисқартириш имконини берадиган двигателларни ишлаб чиқиш керак. Қайд этилган чоралардан биринчиси кам самарали: олимларнинг таъкидлашича, бир метр қалинликдаги алюминий қопламалар ҳам радиация зарраларининг 5 фоизини ушлаб қолиб, 95 фоизини барибир ўтказиб юбораверади.

Марснинг бехавотир нуқтасида тадқиқот олиб бораётган «Curiosity»нинг тадқиқотлари ҳамон давом этмоқда. Олдинда қандай кутилган ва кутилмаган кашфиётлар кутиб турганини эса вақт кўрсатади. Аммо марсаход бир қатор қизиқарли натижалари билан нафақат Ер, балки Марс тарихида ҳам қолди. Мисол учун, ровер Ерда ёзиб олинган инсон нутқини сайёра сатҳида ижро этган илк сунъий объект сифатида тарих зарварақларига муҳрланди.

Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади



Молия муассасаларида

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси бугун ҳар бир жараёнда яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантирилаётгани фикримиз исботидир. Бунда, айниқса, юқорида санаб ўтилган тармоқларга кредит ажратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовор. ОАТБ «Капиталбанк» ҳам бу борада фаоллик кўрсатмоқда. Бугунги кунда банкнинг Тошкент шаҳридаги 6 та ва вилоятлардаги 7 та бўлими томонидан хўжалик юритувчи субъектлари ҳамда аҳолига турли мақсадлар учун кенг турдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Тараққиётга ҳисса қўшиш – устувор мақсадимиз

Жумладан, банкимиз томонидан 2013 йилнинг 1 июнь ҳолатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 132,21 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробарга ўсди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва бизнесини ривожлантириш мақсадида эса жорий йилнинг олти ойи давомида 41,8 миллиард сўм кредит берилди.

Банк томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мижозларга шу каби лойиҳалар ва лизинг хизматлари кўрсатиш борасида 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида 52,85 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида, эса 2013 йилнинг 1 июль ҳолатида ОАТБ «Капиталбанк» томонидан соҳа субъектларига 19,32 миллиард сўм миқдорида кредит йўналтирилди. Шунингдек, озиқ-овқат, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 49 нафар мижозга қарийб 21,85 миллиард сўм кредитлар берилди. Бундан ташқари ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 50 нафар мижозга жами 28,43 миллиард сўм миқдорида кредитлари йўналтирилган.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш, уларни иш билан таъминлаш устувор аҳамият касб этган. Шундан келиб чиқиб, битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 585,4 миллион сўм кредит ажратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Масалан, бу борада 2013 йилнинг олти ойи давомида ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 699,3 миллион сўмдан зиёд микрокредитлар берилгани фикримизни исботлайди. Шунингдек, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланаётган мижозларга ажратилган 771,7 миллион сўм кредит уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун кўмак бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, банкдан нафақат юридик, шу билан бирга жисмоний шахслар ҳам кредит олишига алоҳида аҳамият берилади.

Бу борада жисмоний шахсларга кенг турдаги истеъмол кредитларини таклиф этиб келинаётир. Дам олиш (саёҳат қилиш) учун авиачипталар сотиб олишга, заргарлик буюмлари харид қилиш, тантанали маросим ва тадбирлар ўтказиш учун, мебель тўпламлари ва уй жиҳозлари сотиб олиш, маиший техника воситалари ва уй-жойларни таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда банк бўлимлари орқали аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 4,22 миллиард сўмни, уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари эса 3,42 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол кредитларнинг 317 миллион сўми ҳамда ипотека кредитларнинг 551,3 миллион сўми ёш оилалар ҳиссасига тўғри келади.

Шубҳасиз, 2013 йил Президентимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан жорий йил якунига қадар ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратиш ҳажмини ошириш асосий мақсадимиздир. Шунингдек, банк томонидан йил давомида жорий қилинган истеъмол кредитларининг янги турлари мамлакатимиз аҳолисига танлаш имкониятини бермоқда. Жорий йилда ушбу йўналишларда 2012 йилга нисбатан 1,4 баробардан зиёд кредит йўналтириш режалаштирилган.

Мухтасар қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолига янада сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш ОАТБ «Капиталбанк» фаолиятининг ҳар доимгидек муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Банк матбуот хизмати

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Икром Ўтбосаровга қизи

Дилсўз ЙЎЛДОШЕВА,

набираси **ДИЛСОРАБОНУ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

9 772010 752002 >

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи: Азим Рўзиев

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 22 00

Адади: 4542 Буюртма — J-7552 1 2 3 4 5